



# “AMIR TEMUR JANGOVAR BAYROG‘I UCHUN”

2-sahifa ▶▶

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan ● 2022-yil 11-noyabr, №45 (3004)

YANGI O‘ZBEKISTONDA EL AZIZ, INSON AZIZ

# VATANPARVAR

www.mv-va... IJTIMOY-SIYOSIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, HARBIY-V... PARVARLIK GAZETASI



## INSONNING IKKINCHI DUNYOSI

3-sahifa ▶▶



## G‘ALABAGA BOSHLOVCHI YO‘L

4-sahifa ▶▶



## SALOMATLIK POSBONLARI

7-sahifa ▶▶



## “TO‘MARIS IZDOSHLARI – 2022”

14

GAZETA – SAVODXONLIK MAKTABI

18

YANA BIR TARIXIY VOQELIK

19

MASHG‘ULOTDAN CHEMPIONLIKKACHA

Tahririyat haqida ma’lumot



@ vatanparvar-bt@uamail.uz

t.me/mv\_vatanparvar\_uz  
t.me/mudofaavazirligi

facebook.com/mudofaavazirligi

instagram.com/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya



# «АМИР ТЕМУР ЖАНГОВАР БАЙРОҒИ УЧУН»

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2021 ЙИЛНИНГ  
30 НОЯБРДАГИ ҚАРОРИГА АСОСАН,  
МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ҚЎШИНЛАРИДА  
ҲАР ИККИ ЙИЛДА БИР МАРОТАБА  
«АМИР ТЕМУР ЖАНГОВАР БАЙРОҒИ  
УЧУН» МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛИШИ  
БЕЛГИЛАНГАН.**



Мусобақа низомига мувофиқ, ҳарбий округларда икки йил давомида жанговар шайлик, маънавий-маърифий тайёргарлик ҳамда ҳарбий интизом ҳолати таҳлил этилади. Мудофаа вазирлигининг махсус комиссияси томонидан турли халқаро ва республика миқёсидаги мусобақа ҳамда кўрик-танловларда эришилган натижалар сарҳисоб қилинади.

Юрт ҳимоячиларининг маънавий-интеллектуал тайёргарлиги-

ни, жанговар хизмат фаолиятида эришган ютуқларини муносиб рағбатлантириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида ташкил этилаётган мазкур мусобақада ҳарбий округ қўшинлари фаол иштирок этмоқда. Мусобақа давомида жорий йилнинг ноябрь ойи охирида ҳарбий хизматчиларнинг миллий спорт турлари ва миллий қадриятлар йўналишлари бўйича беллашув якунлари ҳам баҳоланади.

140 га яқин кўрик-танлов ва беллашувларни ўзида жамлаган мазкур нуфузли мусобақа натижалари жорий йилнинг декабрь ойида умумлаштирилади.

Энг юқори кўрсаткичга эришган ҳарбий округга она Ватанга садоқат, мардлик, жасорат, фидойилик, юксак маҳорат ва ҳарбий шараф рамзи бўлган Амир Темур жанговар байроғи тантанали равишда топширилади.

**ТАҲРИРИЯТ**



# Bugunimiz qahramonlari

Аёлларга нисбатан қараш, ижобий маънода ўзгаргани бор гап. Аёл фақатгина уй-рўзгор, фарзанд тарбияси билангина машғул бўлувчи эмас, балки жамиятнинг фаол аъзоси сифатида қадр топмоқда. Уй юмушларини ҳам, ишни ҳам бирдек олиб бораётган, ўз танлаган йўлида чинакам намунага айланаётган аёлларимиз сон ортимоқда. Бу ҳолат эса ўсиб келаётган қиз фарзандга нисбатан «тикиш-бичишни, овқат қилишни ўрганса бас», қабилидаги фикрларни сиқиб чиқармоқда. Биз фаолияти билан яқиндан танишишни истаган Широной Мустафоева ҳам ўз ўрнига эга аёллардан бири...



# Инсоннинг иккинчи дунёси



ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари иштирокида маъруза ва семинарларни йўлга қўйган.

**РАҒБАТИНИ ТОПГАН МЕҲНАТ**

Уч нафар фарзанднинг онаси Широной опа оиладаги масъулиятларини унутмаган. Ота-онаси унга қандай эътибор қаратишган бўлса, фарзандларига шундай муносабатда. Фаолияти давомида кучни оиласидан, яқинларидан олиб меҳнатга чоғланади. Узоқ йиллик меҳнатлар йил сайин бўй кўрсатмоқда. Айниқса, жорий йил Широной Мустафоевага унутилмас онлари билан ёдда қоладиган бўлди.

Йил бошида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 30 йил» эсдалик нишони билан рағбатлантирилди. Яна ҳам қувонарлиси, Президентимизнинг фармонида биноан мустақиллик тантаналари арафасида «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

– Албатта, бундай ютуқларга эришимизда ота-онамнинг ўрни юқори деб биламан, – дейди у суҳбат давомида. – Чунки умр йўлимизга қўйилган тамал тошини чиройли тарбия ва илм билан безашган. Ҳаётда қандай яшаш кераклигини, комилликка интилиш лозимлигини ҳамиша уқтириб келишган. Яқинларим ҳамиша мени қўллаб-қувватлашган, оғир вазиятда ёнимда туришган, оила ва ишдаги вазифаларимни бажаришда куч беришган. Қолаверса, бу юксак мукофот ҳозирда фаолиятимни олиб бораётган «Темурбеклар мактаби» ҳарбий академик лицейи жамоасининг ҳам ютуғи. Бу ўз навбатида кейинги фаолиятимда давлатимиз томонидан билдирилган юксак ишонч, деб биламан. Уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

**Рўзиқул ОЧИЛОВ,  
«Vatanparvar»**

Касби ўқитувчи бўлган ота-онаси Фарҳоджон Мустафоев ва Раъно Мустафоева 5 нафар фарзанднинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратишган. 3-4 ёшида ўқиш ва ёзишга ўрганган Широной Мустафоева 5 ёшидан мактабга боради. Оиладаги илм-маърифатга бўлган алоҳида эътибор тўғайли Олий таълимни 15 ёшидан Фарғона давлат университетининг «Психология ва амалий социология» факультетида бошлайди.

**ОТА ИЗИДАН**

Қаҳраонимиз ёшлик йилларини шундай хотирлайди:  
– Болалигимиздан ақлий фаолиятни мустаҳкамлаш, хотира ва диққатни ривожлантириш, кузатувчанликни ошириш борасида ота-онам жуда кўп ҳаракат қилишган. Отам Европа психотерапия институти ҳамда Буюк Британиянинг Сандерленд тадқиқотлар институти фахрий аъзоси сифатида психологияга бўлган қизиқишимни оширган. Уйимизда жуда катта кутубхона бор. Болалигимизда телевизор кўрганимни эслолмайман. Барча фарзандлар биргаликда катта кутубхонамиздаги китобларни мутулаа қилишни яхши кўрардик. Кечки овқатдан сўнг, ҳар доим отам ёки онам бизга китоб ўқиб беришар, сўнгра уни таҳлил қилишарди.  
Бедор ўтказилган кечалар маҳсули ўлароқ ҳозирда синглим Шахло Мустафоева Канадада Реджайн университетида

психология фанлари доктори, кичик синглим Шаҳноза Реджайн университетини тамомлаб, илмий котиб сифатида иш олиб бормоқда. Барча ютуқларимиз отамнинг болалиқдан китобга, психологияга бўлган қизиқишни орттирганликларидан, деб биламан.

**ТАЛАБАЛИҚДАН УСТОЗЛИККАЧА**

Широной Мустафоева талабалик даврида вилоят телерадиокомпанияси «Устоз» телеканалида илк психологик кўрсатув муҳаррири сифатида иш бошлади. Радиодастурлар учун ҳам психологик рундаги амалий маслаҳат ва тавсиялар эшиттиришларини олиб борди. Айни вақтда ҳам вилоят телерадиокомпаниясида психолог эксперт сифатида телерадио кўрсатув ва эшиттиришларида фаол иштирок этиб келмоқда. Муттасил меҳнатлари эвазига 28 ёшида Халқ таълими вазирлигининг «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

«Юздаги тимсоллар», «Мулоқотда ёлғон», «Бошқарув психологияси», «Ўсмир психологияси ёхуд биз билмаган жиҳатлар» каби илмий-оммабоп китоблар муаллифи.

«Деструктив культ ташкилотларда ёшларга таъсир этувчи манипулятив таъсир этиш хусусиятлари» мавзусида илмий ишини химоя қилиб, психология фанлари номзоди илмий даражасини олган. 2015 йилдан буён «Fergana grand medical service» нейро-психологик марказига раҳбарлик қилади. 20 йилдан ортиқ вақт давоми-

да психолог сифатида меҳнат қилиб келаётган Широной опа ҳуқуқ-тарғибот органи ходимлари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ва ўсмирлар орасида ҳуқуқ-бузарликларнинг олдини олиш, турли профилактик чора-тадбирлар ташкил этишда ўз позицияси билан ижобий натижаларга эришмоқда.

**ПСИХОЛОГИЯ – ШУНЧАКИ ФАН ЭМАС**

– Психология бу – шунчаки фан эмас, – дейди Широной опа. – Балки у инсоннинг иккинчи дунёси. Тана хаста бўлганда даво чораси кўрилганидек, тафаккур, руҳий ҳолат ҳам ўз тизгинини йўқотганида ёрдам кўрсатилиши керак. Бунинг ўзига хос нозикликлари бор. Чунки ҳар бир инсоннинг бир-бирини такрорламайдиган ички кечинмалари, тилга кўчмайдиган ҳиссиётлари, руҳий зўриқишлари мавжуд. Шундай вазиятларда психолог сифатида баъзан қутилмаган ҳолатларга дуч келишим, бу қийинчилик туғдириши мумкин. Аммо касбимнинг моҳияти ҳам аслида шунда. Широной Мустафоева Мудофаа вазирлиги Фарғона «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейида психолог сифатида ишлаб келмоқда. У ўзининг меҳнатсеварлиги, илмий салоҳияти, психологик ва педагогик маҳорати ҳамда ёшларга кўрсатаётган амалий ёрдамлари тўғайли жамоа ва ўқувчилар орасида ҳурмат-этиборга сазовор бўлган. Шунингдек, мактаб амалиётчи психологлари,

## # Tog` tayyorgarligi



Юртимиздаги альпинизм спорти хақида гап кетганда Ильяс Тухватулин, Вадим Элчибеков, Анатолий Лябин, Олег Бахтиёров, Рустам Ражабов Андрей Заикин, Константин Бойцов, Сергей Денисенко каби дунёга машхур ўзбекистонлик альпинистлар эришган ютуқлар кўз ўнгимизда гавдаланади. Мамлакатимизда бу спорт турининг яна бир кўриниши борки, у хақда Халқаро армия ўйинларининг «Эльбрус халқаси» бахсларини кузатиб бораётганлар етарли маълумотга эга.



# ҒАЛАБАГА БОШЛОВЧИ

## ЙЎЛ



Ҳарбий альпинистлар орасида юқорида номлари саналган инсонлар сингари танилганларни истаганча санаш мумкин. Зокир Яллакаев, Фаррух Тошев, Аброр Назиров, Рустам Тоғаев, Зафар Холжигитов, Содиқ Ниязимбетов, Абдумухтор Абдуғаниев, Карим Мухиддинов, Иқболжон Камолов, Ислоҳ Уктамов, Ҳусниддин Хизралиев, Жўрабек Худойбердиевнинг ҳар бири баланд қояларни забт этишда ўз услуб ва аъналар билан танилган. Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлигини янада ошириш мақсадида ҳарбий альпинизмнинг Қуролли Кучлар таркибига киритилгани бу борада эришилган ютуқлардан биридир. «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув-машғулот маркази ҳамда «Саридала», «Олтинкон», «Тошқўрғон» каби унинг ҳудудий ўқув базаларининг ишга туширилиши, уларда турли мусобақаларнинг мунтазам ўтказилиши муваффақиятлар жараёнини янада жадаллаштирди.

Ноябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида Мудофаа вазирлиги «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув-машғулот марказида ҳарбий хизматчилар ўртасида тоғ тайёргарлиги бўйича навбатдаги ана шундай ўзига хос қизиқарли мусобақа бўлиб ўтади. «Энг илғор тоғ ишғол гуруҳи» беллашувида ўндан ортиқ жамоа иштирок этиши режалаштирилган ва улар орасида Халқаро армия ўйинларининг «Эльбрус халқаси» йўналиши совриндорлари ҳамда рекордчилари борлиги бахсларнинг муросасиз курашлар билан кечишини таъминлайди. Жамоалар тик қояга кўтарилиш, тоғ ҳудудида узок масофани босиб ўтиш, тиббий ёрдам кўрсатиш, алоқа воситалари ва альпинизм спорти анжомларидан фойдаланиш назарияси ва бошқа ўнлаб бир-биридан қизиқарли шартлар бўйича маҳоратларини намойиш этишади.

Айни дамда жамоалар мусобақада совринли ўринларни қўлга киритиш учун ҳаракатларни аллақачон бошлаб юборишган. Негаки, ҳарбий хизматчилар айнан шундай беллашувларда халқаро мусобақаларда қатнашиш имкониятига эга бўлишини яхши англашади. Бахсларга тайёргарлик жараёни Мудофаа вазирлиги «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув-машғулот маркази ва унинг ҳудудий базаларида йил давомида тўхтовсиз ўтказиб келинади. Буни биргина «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув-машғулот марказининг фаолияти мисолида кўришимиз мумкин.

Ижодий гуруҳимиз билан биргаликда мусобақага тайёргарлик кўраётган жамоанинг икки кунлик машғулотларини кузатиш давомида «Катта Чимён» (денгиз сатҳидан баландлиги 3 309 метр) билан деярли ёнма-ён жойлашга «Бургут қояси» остидаги ғорга кўтарилиб борар эканмиз – Зафар Холжигитов, Абдумухтор Абдуғаниев, Иқболжон Камолов, Ислоҳ Уктамов, Жўрабек Худойбердиев каби тажрибали йигитларнинг маҳоратига яна бир марта тан бердик. Деярли тик қояларда ўргимчак одам сингари бемалол ҳаракатланишга ўрганиб қолган бу ҳарбий хизматчилардан икки кун давомида қояга кўтарилишнинг баъзи сирларини ўрганиб олдик. Чиқишда гавдани олдинга, тушишда эса орқага ташлаб юриш, оёқни қандай босиш, қўл билан нимадан ушлаш каби қимматли йўриқлар асосида ҳаракатланиш жараёнида хавфсизлигимиз таъминланди.

Тоғ ишғол гуруҳи жамоаси мусобақа шартлари бўйича машғулотларни тинимсиз ёмғир ва дўл остида бажаришига қарамай, ҳаракатларида аниқлик, уюшқоқлик, қатъийлик жиҳатлари кўзга ташланиб турди. Шунинг учун эрта тонгдан қош қорайгунга қадар давом этган машғулотлар мобайнида жамоа ўз олдида қўйилган мақсад йўлида навбатдаги тўсиқларни енгиб ўтди.

Кечки пайт пастда тоғ ишғол гуруҳини яна бир масъулиятли вазифа кутиб турганди. Шу куни Тошкент шаҳри альпинизм тўғараги тарбияланувчилари ва Бўстонлик тумани мактаб ўқувчилари учун «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув-машғулот марказига экскурсия ташкиллаштирилганди. Тоғдаги машғулотларда қатнашган ҳарбий хизматчилар ўқув маркази спорт залида янги барпо этилган сунъий қояда болажонлар учун маҳорат дарси (мастер класс) ўтишди. Ҳарбий йўриқчилар ёрдамида мактаб ўқувчилари ҳам вазиятдан унумли фойдаланиб, сунъий қояга кўтарилиш имкониятига эга бўлишди.

**P.S.** Болажонларнинг ёзги ва қишқи таътилни мазмунли ўтказиши учун Мудофаа вазирлиги «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув-машғулот маркази ва «Саридала» ҳудудий ўқув базаси қошида оромгоҳлар фаолият кўрсатади. Юқоридаги каби экскурсиялар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, вояга етиб келаётган ўғил-қизлар ўртасида альпинизм спортига бўлган қизиқишини янада орттиришга хизмат қилиб келмоқда.

Асрор РЎЗИБОЕВ,  
«Vatanparvar»

# Ta'minot



Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги томонидан Нукус гарнизонидаги ҳарбий қисмлар базалари ҳамда «Нукус» умумқўшин полигони ҳудудида округ моддий таъминот мутахассислари учун кўргазмали машғулотлар ташкил этилди.



Унда қўшинларнинг доимий жойлашиш жойида ва дала шароитларида ҳарбий хизматчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, бўлинмалар ўқув-жанговар вазифаларни бажаришга чиққанда моддий-техник таъминотни ташкил этишни ўргатиш, йўналишлар бўйича мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимини топиш ҳамда соҳа мутахассисларининг назарий билим ва амалий кўникмаларини ошириш масалалари кўриб чиқилди. Ҳарбий



хизматчиларнинг ётоқхонаси, ошхона, ювиниш хоналари ва санитар тизимлар, маиший хизмат кўрсатиш объектларини жиҳозлаш, хоналарда иситиш ва совутиш тизимларининг нормал ҳолатини таъминлаш, электр жиҳозларидан фойдаланиш ва хўжаликни юритиш бўйича зарур маълумотлар етказилди.

Ҳарбий қисм ва муассасаларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, штатда мавжуд ўт ўчириш ва қутқарув воситаларидан самарали фойдаланиш

# «НУКУС» ПОЛИГОНИДА НОН ПИШДИ

ҳамда жабрланганларни қутқариб, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалий ҳаракатлар намойиш этилди.

Шунингдек, қўшинларда ветеринария таъминотини ташкил этишда ҳарбий қисм ва муассасаларга келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, сақланиши ва таом тайёрлашда санитария-гигиеник талабларига риоя этиш бўйича мутахассислар томонидан тушунчалар бериб ўтилди. Ҳарбий қисм ва муассасаларда электр жиҳозларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этиш, электр қурилмалари ва агрегатлари билан ишлашда эҳтиёт чораларига амал қилиш кўрсатиб ўтилди.

«Нукус» умумқўшин полигонидан ёйилган ўқув нуқталарида мутахассисларга Нукус ҳарбий госпитали томонидан дала шароитида ўрнатилган ҳарбий лазарет намойиш этилиб, касал ва ярдорларни қабул қилиш, уларга тиббий муолажалар кўрсатиш ҳамда жарроҳлик ва бошқа тиббий амалиётларни ўтказиш учун жиҳозланган ҳудудлар ҳарбий дала госпиталининг фаолияти ва имкониятлари намойиш этилди.

Дала шароитида техникаларга оммавий ёқилғи қуйиш пунктини ёйиш ва мобил ёқилғи қуйиш станциясини ишга тушириш, кийим-кечак ва озиқ-

овқат маҳсулотларини сақлашни ташкил этиш, кийим-кечак устахонаси, фронт орти таъминотини бошқариш учун бошқарув пункти, қурол-аслаҳа ҳамда ёқилғи омборларининг фаолияти, уларни жиҳозлаш ҳамда ниқоблашни ташкил этиш бўйича амалий кўникмалар бойитилди.

Далада мобил нон пишириш цехининг фаолияти, мазкур кўргазмали машғулотдаги барча ўқув нуқталаридан энг қизиқарлиси бўлди. Номаълум ҳудудда, автоном электр энергиясидан фойдаланган ҳолда қўшинларни иссиқ нон билан доимий таъминлаш – реал жанговар вазиятларда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Полигон ҳудудида бўлинма хўжалик таъминот пункти жойлашуви ҳамда моддий-техник таъминот гуруҳининг фаолияти кўргазмали намойиш этилди.

Яқунда моддий-таъминот мутахассислари томонидан илгари сурилган ташаббус ҳамда таклифлар инobatга олиниб, уларни келгусида соҳа ривожини йўлида қўллаш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

**Подполковник  
Жаҳонгир МИРЗАЕВ,  
Шимоли-ғарбий ҳарбий округ  
бошқарма бошлиғининг  
ўринбосари-штаб бошлиғи**

# Bunyodkorlik



Қўшинларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш уларнинг тезкорлиги ва юксак жанговар шайлигини таъминлаб, олис масофаларни яқин қилишга хизмат қилади. Қўшинларни кўчириш ҳаво йўли, темир йўл ҳамда жанговар ва ҳарбий техникалар ёрдамида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги талабномасига асосан «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан Хоразм вилоятида кечаси ва кундузи ҳарбий техникаларни темир йўл платформаларига юклаш-тушириш учун мўлжалланган иккита объект бунёд этилди.

Уларни фойдаланишга топшириш маросимида Мудофаа вазирлиги ҳамда ҳарбий округ масъул офицерлари, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти Хоразм вилояти ҳудудий бўлинмаси вакиллари, Қуролли Кучлар фахрийлари иштирок этди. Сўзга чиққанлар қўшинлар жанговар шайлигини мустаҳкамлаш ҳамда бўлинмалар ва техникаларни бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтиш

чоғида узилишларнинг олдини олиш мақсадида бунёд этилган объектлар зарур бўлганда Ватанимиз тинчлиги йўлида қалқон бўлиб турган ҳарбий бўлинмаларни бошқа манзилга кўчиришда қўшимча имкониятлар яратишини қайд этди.

Урганч гарнизонидаги ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари томонидан зиркли ва автомобиль техникаларни платформаларга юклаш-тушириш, силжиб кетишининг олдини олиш мақсадида белгиланган тартибда маҳкамлаш, техникаларни ташинида ниқоблаш ишларини ташкил этиш бўйича кўргазмали машғулот намойиш этилди.

Тантанали тадбирда Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи ҳамда Мудофаа

# ОЛИС МАСОФА ЯҚИН



Шовот станциясида баландлиги 1,1 метр, эни 16 метр ва узунлиги 100 метр бўлган мустаҳкам темир-бетон қопламали ҳарбий техникаларни юклаш-тушириш жойи ҳамда техникалар учун вақтинча тураргоҳ қурилган бўлса, Урганч станциясида узунлиги 126 метр ва эни 15 метрли ташкил этадиган махсус жой яратилди ҳамда тунда ёритиш мосламалари билан жиҳозланди.

вазирлиги ҳарбий ҳаракатлар бошқармаси мутахассислари ҳамкорлигида яратилган ва ҳарбий техникаларни ташиш вақтида қўриқлаш учун ажратиладиган кўчма қоровулга мўлжалланган янги турдаги ёпиқ вагон Шимоли-ғарбий ҳарбий округ тасарруфига берилди. Ушбу вагон ҳарбий техника ва юкларни қўриқлаб кетиш учун тайинланган ва ҳарбий хизматчилардан иборат кўчма қоровул шахсий таркиби учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида замон талабларига мос равишда жиҳозланган бўлиб, ташки ол ва орқа томондан видеокузатув мосламалари билан таъминланган.

Мазкур объектларни қуришда иштирок этган темир йўл ходимлари ҳамда қурувчилар ҳарбий округ қўмондонлиги томонидан муносиб тақдирланди.

**Подполковник  
Тимур НАРЗИЕВ,  
Шимоли-ғарбий ҳарбий округ  
матбуот хизмати бошлиғи**

## # Islohotlar amalda



**И**нсон омили давлат сиёсати даражасига кўтарилган юртда тараққиёт бардавом бўлади. Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб барча жабҳаларда амалга оширилмоқда. асосида ўзгариш ва янгиланишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунга келиб эса бу тараққиёт жараёни янги босқичга кадам кўйди. Бу эса эришилаётган залварли ютуқларда ўз ифодасини топмоқда.

# ЁРҚИН ИСТИҚБОЛДАН ДАРАК



Bahrom ABDURAHIMOV

Биргина тиббиёт соҳасини олайлик. Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан такомиллаштириш, халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлод тарбияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида тизимли ислохотлар амалга оширилди. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси яшиланди, соҳага даволашнинг янги ва замонавий усул ва услублари жорий этилди. Натижада тиббиёт муассасаларида энг мураккаб операцияларни ҳам амалга ошириш имкони яратилди. Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Элмира Боситхонова таъкидлаганидек, авваллари юқори технологияга асосланган жарроҳлик амалиёти битта-иккита клиникада қилинган бўлса, бугун 810 та клиникада, ҳатто ҳар бир ҳудудда бажарилмоқда.

Ҳарбий тиббиёт соҳаси ҳам шундай тараққиёт йўлини босиб ўтмоқда. Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнини қузатар эканмиз, ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш вазифаси, ижтимоий ҳимояни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ичида салмоқли ўрин эгаллаётганини кўрамыз.

2018 йилнинг 28 июль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий клиник госпиталда бўлиб мажмуани истиқболли ривожлантириш режаси ҳамда янгидан

қурилиши режалаштирилаётган жарроҳлик корпуси лойиҳалари билан танишган эди. Ушанда давлатимиз раҳбари шифохона ҳудудини оптималлаштириш, биноларни реконструкция қилиш ва замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, хорижий клиникалар, жумладан, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия каби ривожланган давлатлардан мутахассислар жалб этиш бўйича топшириқлар берган эди. Учрашувда соҳани ривожлантириш бўйича янги тақлифлар киритилиб, муҳим топшириқлар берилди. Шундай қилиб, мутахассислар томонидан комплекс лойиҳа ишлаб чиқилди. Лойиҳани тузиш даврида Чехия, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Россия каби мамлакатларнинг ҳарбий госпиталларига бориб, шарт-шароитлар ўрганиб келинди. Мана, орадан тўрт йил ўтиб, жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган, энг замонавий тиббий жиҳозлар ва ускуналар билан таъминланган саккиз қаватли тиббиёт комплекси ишга туширилди.

Умумий 15 та бўлимни ўзида жамлаган бинонинг биринчи қаватида қабул бўлими жойлашган бўлиб, таркибиде ташхис қўйиш ва лаборатория хоналари мавжуд. Бинода, шунингдек, анестезиология ва реанимация, шошилиш жарроҳлик, травматология ва ортопедия, абдоминаль жарроҳлик, нейрожарроҳлик, офтальмология, гинекология, урология, лор, юз-жағ жарроҳлиги бўлимлари ва марказий операция бўлимлари ўрин олган. Янги – юрак қон томир ва рентгенэндоваскуляр хирургия бўлими ҳам иш бошлагани соҳадаги муҳим янгилклардан биридир.

– Госпиталимиз нафақат ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун, балки бошқа фуқароларга ҳам хизмат кўрсатмоқда, – дейди госпиталь бошлиғининг жарроҳлик бўйича ўринбосари, тиббий хизмат полковниги Улуғбек Расулов. Даволанишни истаганлар ўзлари келиб, шарт-шароит билан яқиндан танишиш имкониятига эга. Улар қабул бўлимида жойлаштирилган инфокиоскадан керакли бўлим ва шифокорлар ҳақида тўлиқ маълумот олишлари мумкин. Маъқул топса, шифокор қабулига кириш учун электрон навбат олишлари керак бўлади. Мижозларимизнинг навбат кутиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида жарроҳлик корпусимизда «Call markazi» ишга туширилган. Яъни шифокор қабулига келмоқчи бўлганлар мазкур марказга телефон қилиб қайси вақтда бориш кераклигини олдиндан билишлари мумкин. Шунга қараб, шифокор қабулига ёзилади.

Таъкидлаш жоизки, Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали Германия, Ҳиндистон, Туркия, Корея каби ривожланган давлатлар билан ҳарбий-тиббий алоқаларни йўлга қўйган. Мазкур ҳамкорлик доирасида ҳарбий шифокорларимизнинг чет элда ўқиши ва малака ошириши, ўз навбатида хорижлик шифокорларнинг госпиталимизда тажриба алмашиши кўзда тутилган. Унга мувофиқ яқинда Туркия давлатидан келган бир гуруҳ шифокорлар госпиталимизда бўлиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашди. Мураккаб операцияларда иштирок этди. Айни вақтда эса Ҳиндистондан келган шифокорлар офтальмология, лор ва гинекология бўлимларида тажриба алмашяпти.

Тиббий хизмат полковниги Улуғбек Расулов билан биргаликда беморлар билан суҳбатлашдик. Уларнинг кўтаринки кайфияти, гап-сўзларидан ҳарбий шифокорлардан миннатдор эканлигини англаш қийин эмас. Хоналар шинам ва ораста. Кўзни қувнатади. Эътирофга сазовор яна бир жиҳати, барча бўлимлар Америка, Корея, Япония ва бир қанча Европа мамлакатларидан келтирилган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

– Бу эса нафақат беморлар учун, шифокорлар учун ҳам фойдали бўлмоқда, – дейди суҳбатдошимиз. – Замонавий асбоб-ускуналар ташхис қўйиш, даволаш ишини енгиллаштиряпти. Нафақат операция столларини, каравотларни ҳам беморнинг ҳолатига қараб, ўзгартириш мумкин. Уларни жойидан кимирлатишга ҳам ҳожат қолмайди. Бу шарт-шароит шифо истаб келган беморларнинг тезроқ саломатликларини тиклашига катта ҳисса қўшаётгани бор ҳақиқат.

Фойдаланишга топширилганига кўп вақт бўлмаса-да, шу кунгача мазкур жарроҳлик корпусида кўплаб энг мураккаб амалиётлар ўтказилди ва барчаси муваффақиятли якунланди. Буни ҳарбий тиббиётнинг катта ютуғи десак, муболаға бўлмайди. Ҳа, ҳарбий тиббиёт замон билан ҳамнафас одимлаб, ўзгаришлар сари юз тутмоқда. Соҳада амалга оширилаётган бу каби эзгу ишлар, қатор янгиланишлар эса унинг ёрқин истиқболдан дарак беради.

Майор  
Гулнора ҲОЖИМУРОВА

# Harbiy tibbiyot

# САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ

Дунёда шарафли касб соҳиблари кўп, улардан бири туғилиб ўсган она макон, Ватанни ҳимоя қилиш вазифасини ўтаётган ҳарбий хизматчилар бўлса, яна бири ана шу юрт қўрувчи ўғлонлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигига посбон бўлмиш ҳарбий тиббиёт ходимларидир. Оқ либосли бу заҳматкаш фидойиларнинг узлуксиз ҳамда машаққатли меҳнатлари эвазига инсоннинг бебаҳо бойлиги – саломатлиги мустаҳкамланади.

Сўнгги йилларда Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисм ва бўлинмаларда сифатли ҳамда малакали тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини таъминлаш, санитария-эпидемиологик осойишталикни назорат қилиш, шунингдек, профилактика тадбирларини амалга ошириш бўйича ишларни янада жадаллаштириш мақсадида, тиббий бўлинмаларни таркибий қайта ташкил этиш ва замон талаблари асосида жиҳозлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, узоқ йиллар давомида сарҳадларимиз посбонлари ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини сақлаш ишига камарбаста бўлиб келаётган Чегара қўшинлари Ҳарбий госпитали ҳам барча қулайликларга эга бўлиб, энг сўнгги русумдаги замонавий тиббий ускуналар билан

жиҳозланган. 2015 йил декабрь ойида муассаса таркибида ташкил этилган юқумли касалликлар бўлими ҳам ҳозирда махсус ажратилган ҳудудда беморларга тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Госпиталь фаолиятига замонавий тиббиёт ютуқларини кенг жорий этиш мақсадида, эндохирургия ва стоматология имплантологияси мутахассисликлари бўйича шифокорлар тайёрланиб, мазкур йўналишларда беморларга тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Бундан ташқари, Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда Тошкент ва Термиз шаҳарларидаги ДХХ Чегара қўшинлари тиббиёт ходимлари учун биринчи ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган ўқув курслари ҳам ташкил этилди.

Юқоридагилар билан бир қаторда, муассаса шифокорлари томонидан

республикамиз бўйлаб шаҳар ва туман марказларидан олисда жойлашган чегара олди ҳудудларига кўчма тиббиёт пунктларининг сафарлари уюштирилиб, бу ерда истиқомат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда маҳаллий аҳоли вакиллари тиббий кўриқдан ўтказиш асосида, уларнинг мавжуд касалликларини эрта аниқлаб, тўғри ташхислаш ва даволаш ишлари амалга оширилмоқда.

Эришилаётган натижалар самараси ўлароқ, узоқ йиллар давомида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини тиклашга муносиб ҳисса қўшган, давлат ва жамият ҳаётида фаоллик кўрсатиб, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиб келаётган кўплаб Чегара қўшинлари Ҳарбий госпитали шифокорлари ва ўрта тиббиёт ходимлари давлатимизнинг юксак

мукофотлари ҳамда кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

Тиббиёт соҳасининг барча фидойи ходимларини касб байрамлари билан қутлаб, зиммаларидаги ўта масъулиятли ҳамда шарафли вазифани юксак малака ва жонқуярлик билан тўлатиш адо этишларида куч-ғайрату матонат тилаб қоламиз.

**Майор  
Фарида БОБОЖОНОВА**  
ДХХ Чегара қўшинлари

# КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЗГАН ПАРВОЗ

2020 йил 22 октябрда қабул қилинган «Ҳарбий тиббиёт соҳасида кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига биноан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тиббиёт академияси ҳам ёшларга берилган имкониятлардан биридир.

Академия республикамизда фаолият кўрсатиб келаётган тиббиёт институтларининг 5-курсини тугатган йигит-қизларни синов асосида курсантликка қабул қилади. Уқиш имкониятига эга бўлганлар бир йил давомида бакалавриятда даволаш иши ва тиббий профилактика, шунча мударат ҳарбий интернатда таҳсилни давом эттиради.

Президент қарорига мувофиқ, тиббиёт академияси базаси малакали профессор-ўқитувчилар ва тажрибали устозлар билан тўлдирилиб, курсантларга ҳарбий тиббиётнинг энг замонавий технологиялари асосида билим бериб келинапти. Энг муҳими, қабул қилинган курсантлар дала-ўқув майдонларидаги шарт-шароитлар билан яқиндан таништирилади. Бир неча кунлик машғулотлар давомида йигит-қизлар ҳарбийликнинг ҳавосини олган ҳолда, шу соҳа мутахассисининг масъулияти қанчалик юқори эканлигини англаб етади. Бундан бир неча ой аввал тиббиёт академияси курсантларининг «Чирчиқ» полигонидagi амалий машғулотларида иштирок этгандик. Ушанда Нодир Тешаев ва Нуржамал Жолдасбаева ўз хатти-ҳаракатлари билан кўпчиликда илиқ таассурот қолдирганди.

Яқинда курсант ва интерналар иштирокидаги дарс жараёнлари, Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий

клиник госпиталидаги беморларни даволаш ишлари, профилактика лабораториясидаги изланишлари билан танишдик. Бу ерда уларга полковниклар Носиржон Фозилов, Бобокалон Халимов, захирадаги офицерлар – Исроил Маматов, Соли Ярашев, Абурайим Раҳимов каби устозлар ҳарбий тиббиёт фанининг нозик қирраларини ўргатиб келмоқда. Курсантлар Нодир Тешаев ва Нуржамал Жолдасбаева дарс жараёнида ҳам худди «Чирчиқ» полигонидагидек фаол. Устоз манекен ёрдамида қизилўнғач соҳасидаги жарроҳлик амалиётини синчковлик билан шогирдларига такрор ва такрор намойиш этиб берапти. Ф. Ниязов, Д. Турғунбоев, Ф. Рўзметов сингари бошқа курсантлар эса мавзуга оид ҳар бир маълумотни диққат билан тинглаб, нигоҳлари устознинг ҳаракатларига қаратилган...

Тиббий профилактика лабораториясида ҳам иш жараёни қизгин. З. Сирожидинов, М. Ҳошимов, Р. Эшмаматов каби ёш офицерлар замонавий ускуналар билан жиҳозланган лабораторияда керакли билимларни ўзлаштириш билан банд. Мазкур йўналишни танлаган бўлажак мутахассислар келажакда ҳарбий қисмларда Ватан посбонларининг саломатлигини сақлаш йўлида фаолият олиб боришади.

Тиббиёт академиясининг бакалаврият йўналишини тугатган илк

қалдирғочларга эса лейтенант ҳарбий унвони берилиб, улар ҳозирги кунда ҳарбий интернатда касбий маҳоратларини ошириб бормоқда. Маъмуржон Жалилов, Бобур Рашидов, Гулназ Салилаева каби ёш лейтенантлар Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталида жарроҳ, терапевт ва тиббий профилактика шифокори мутахассислиги бўйича устозларидан амалий тажрибаларни ўрганишни бошлаб юборишган. Ҳарбий либоси ярашиб турган бу йигит-қизлар госпиталда жароҳатларни бойлаш, беморларнинг кунлик аҳволидан хабар олиш ва тиббий муолажаларни ўтказишда устозлари билан ёнма-ён туриб, хизмат бурчини бажариб келишяпти.

– Шогирдларимиз Тез тиббий ёрдам маркази, кўз микрохирургияси, Тошкент тиббиёт академиясининг клиниклари ва пойтахтимиздаги марказий шифохоналарда касбий билимларини оширяпти, – дейди кафедра бошлиғи тиббий хизмат полковниги Носиржон Фозилов. – Академиянинг бакалаврият ва интернатга йўналишини тугатган ҳарбий шифокорларимиз Жанубий Ко-

рея, Германия, Туркия, АҚШ ва бошқа давлатларда бу соҳадаги билим ҳамда тажрибаларини мустаҳкамлаш имкониятига эга.

Шунингдек, Ҳарбий тиббиёт академиясида Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиб келаётган тиббий таъминот офицерлари, тиббиёт ҳамширалари ва бошқа ходимларнинг малакасини ошириш фаолияти йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Қисқа қилиб айтганда, яқиндагина фаолиятини бошлаган олий ҳарбий таълим муассасаси ўз соҳасида миллий армиямизга малакали кадрларни етказиб беришда кенг қулоч ёзган ҳолда парвозини амалга ошириб келмоқда.

**Камолитдин АСРОП**

# Kuchli ayollar bellashuvi

ЯНГИ

АВЛОД



Тўмарислар




МАРКАЗИЙ ҲАРБИЙ ОКРУГНИНГ «ФОРИШ» ТОҒ ПОЛИГОНИ БУ ГАЛ КУТИЛМАГАН, ҚИЗГИН БЕЛЛАШУВЛАРГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КУЧ ТУЗИЛМАЛАРИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ҲАРБИЙ ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА «ВАТАН МЕҲРИ ЮРАГИМДА» ШИОРИ ОСТИДА «ТЎМАРИС ИЗДОШЛАРИ – 2022» ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия ҳамда Давлат божхона қўмитаси тизимида фаолият олиб бораётган, саралаш босқичларида ғолибликни қўлга киритган хотин-қизлар иштирок этишди.

Танловнинг тантанали очилиш маросимида Бош вазир ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси Зулайҳо Маҳкамова иштирок этиб, мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор, олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида фикр билдирди ва барча иштирокчиларга омад тилади.

Танлов низомига кўра, биринчи шартда жамоалар маънавий-маърифий йўналишдаги салоҳиятларини намойиш этган ҳолда Тўмарис сиймосини гавдалантиришди.

– Биринчи шартдаги жамоаларнинг иштирокини кўриб, уларнинг тайёргарлигига, салоҳиятига тасанно айтдик, – дейди ҳакамлар ҳайъати сафида чиқишларни кузатиб турган Бош вазир ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси Зулайҳо Маҳкамова. – Саҳналаштирган асарлар бир-биридан аъло, маъноли. Куч тузилмаларида шундай жасур, оқила, доно қизларимиз борлиги бизни жуда қувонтирди, фахрлантирди.



# Ko`rik-tanlov

Иккинчи шартда иштирокчилар АК-74 автоматидан амалий отиш машқи бўйича ўзаро куч синашди. Кейинги шартларда барча жамоалар танлов низомига кўра, ярадорга турникет қўйиш, ярадорларни жанг майдонидан олиб чиқиш, 800x400x200x100 метр масофаларга эстафета югуриш, эркин услубда 60 метр масофага сузиш машқи, дала шароитида мазали таом тайёрлашда ўзларининг маҳоратларини намойиш этишди.

– Ушбу танловни ташкил этишдан асосий мақсад мамлакатимиздаги ҳарбий хизматчи аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳарбий жамоаларда уларнинг ўрни ва нуфузини ошириш, истеъдодларини намоеён қилишлари учун шароит яратишдир, – дейди Мудофаа вазирлиги масъул офицери подполковник Бобуржон Валиев. – Уларни Ватанимиз, халқимиз, миллий қадриятларимиз, тарихий-маънавий меросимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш, дунёқараши ва фикрлаш доирасини кенгайтириш, ижодий салоҳиятини ошириш, маънавий баркамол шахс бўлиб вояга етишларида кўмаклашиш ҳам муҳим омиллардан ҳисобланади. Қолаверса, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, фаоллиги ва ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли, ижодкор ёшларни рағбатлантириш, уларга ўз ақл-заковатларини намоеён этишларига кўмаклашиш ва ўзаро соғлом рақобатни шакллантириш, жамиятда аёлларнинг ижти-




мой фаоллигини ошириш ҳамда хотин-қизлар манфаатлари билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий масалаларини тизимли йўлга қўйиш ва муносиб рағбатлантиришдан иборатдир.

Якуний натижаларга кўра, Мудофаа вазирлиги жамоаси фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Миллий гвардия жамоаси иккинчи, Ички ишлар вазирлиги жамоаси учинчи ўринга муносиб топилди.

Давлат божхона қўмитаси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги жамоаси танловнинг алоҳида номинацияси бўйича тақдирланди.

**Рўзиқул ОЧИЛОВ,**  
«Vatanparvar»

# КАДР ОРГАНИ ОФИЦЕРЛАРИ БЕЛЛАШДИ



**Давлат ташкилоти бўладими ёки хусусий секторми, барибир, ходим ўзи учун муносиб вазифага тайинланмас экан, ундан меҳнат унумдорлиги ва иш самарадорлигини кутиб бўлмайди. Шу маънода жамиятнинг барча соҳаларида фаолият юритадиган корхона ва ташкилотлар, давлат идораларининг кадрлар сиёсатини юритадиган шахслар зиммасида улкан масъулият ётади.**

Мудофаа вазирлиги микёсида кадрлар органи офицерларига юклатилаётган вазифа кўлами ҳам кундан кунга ортиб бормоқда. Қўшинни мунтазам равишда малакали мутахассислар билан бутлаб бориш,



уларни тажриба ва салоҳиятига қараб муносиб лавозимларга тавсия этиш бевосита инсон тақдири билан боғлиқ масала. Номуносиб лавозимга тавсия этилган биргина ҳарбий хизматчи ҳам қўшинда етарлича бўшлиқ ҳосил қилиши мумкин. Бунинг натижаси эса анча қимматга тушади.

Шу боис кадрлар органи офицерлари замонавий тажрибалардан хабардор бўлиши, инновацион технологияларни етарлича ўзлаштириши, қисқа қилиб айтганда, аввало, ўзи лавозимига лойиқ бўлиши керак.

Ана шундай сифат ва кўникмаларни синовдан ўтказиш мақсадида Мудофаа вазирлиги қўшинларида «Энг илғор кадр органи» ва «Энг илғор ҳарбий-касбий саралаш органи» кўрик-танловлари ўтказилиб келинмоқда. Танловнинг бу йилги якуний босқичи Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти негизида ташкил қилинди.

Иштирокчилар дастлаб «My test» тизимли таъминот дастури орқали назарий билимларини синовдан ўтказди. Ҳужжатларни амалий ишлаб чиқиш босқичида эса кадр органи офицерларининг махсус тайёргарлигига муносиб баҳо берилди. Амалий синовларда уларнинг жисмоний тай-

ёргарлиги ва ПМ пистолетидан отиш маҳоратлари кўриб чиқилди.

– Кўрик-танлов кадр органи офицерларининг тажриба алмашиши, фикрлашиши ва маълум мавзулар юзасидан эркин мулоқоти учун ҳам айна муддао бўлди, – дейди майор Ботиржон Холматов. – Соҳада бўлаётган ўзгариш ва янгиланишлар тўғрисида хабардор бўляпмиз. Муаммоли вазиятларни ҳал этиш, бунда, энг аввало, инсон омилни биринчи ўринга қўйиш борасида тегишли хулосалар қилиняпти.

Синов машғулотларида иштирокчилар маҳоратига муносиб баҳо берилди. Кўрик-танловнинг ғолиб ва совриндорлари эса Тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи мутахассислари куни арафасида эълон қилинади.

**Лейтенант**  
**Исломжон КҶҶҚОРОВ,**  
«Vatanparvar»

МАРКАЗ



## ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

**Ж**аҳон сиёсий майдонида ахборий урушлар, хавфсизликка раҳна солувчи киберхужумлар кундан кунга кўпаяётган бир даврда юрт тинчлиги, Ватан осойишталигини сақлайдиган, турли ёт ғояларга қарши собит тура оладиган, маънан ва жисмонан етук Ватан ҳимоячиларини тарбиялаш, мамлакат муҳофаа салоҳиятига эътибор бериш ҳар қачонгидан зарур.

алоқа ва ахборотлаштириш воситаларига мўлжалланишига кўра, фойдаланиш ва қўшинларни бошқаришда самарали қўллашни ўргатиш ҳамда малакасини оширишдан иборат. Тасдиқланган квота бўйича ҳар ойда номзодлар рўйхати шакллантирилиб, ҳарбий мутахассисликлар бўйича ўқитилади. Таълим жараёнлари ҳар йили ўқув-моддий базасини такомиллаштириш тадбирлари учун ажратилган вақтдан ташқари ўқув йили давомида амалга оширилади. 18 кундан иборат бўлган (108 соат) курс давомида ҳарбий хизматчиларнинг билим даражаси текшириб борилади.

## ТИЗИМНИНГ АФЗАЛ ЖИҲАТИ

Мазкур тизимнинг афзал жиҳатларидан бири унинг моддий-техник базаларининг сон ва сифат даражаси жиҳатидан мукамаллигида. Яъни бу ерда таҳсил олаётган ҳарбий хизматчилар фан ва техникага оид энг замонавий видеокузатув, радиоалоқа воситаларининг ўқув намуналари билан яқиндан танишиш, улар билан машғул олиб бориш билан бир қаторда, мутахассисликлари бўйича назарий ҳамда амалий билим-кўникмаларини ошириб боради.

– Миллий армиямиз сафларини замонавий билим ва юқори малакага, мустақкам иродага эга бўлган ҳарбий хизматчилар билан тўлдириб боришда ушбу янги марказнинг роли аҳамиятли деб ўйлайман, – дейди марказ бошлиғи подполковник Ғанижон Қурбонов. – Сабаби марказимиз алоқа ва ахборотлаштириш бўлинмалари мутахассисларининг салоҳиятини оширибгина қолмасдан, касбий маҳорат ва кўникмаларни ҳам шакллантиради. Курс мобайнида тингловчиларнинг билими тегишли тартиб асосида баҳолаб борилади. Низомга мувофиқ, Алоқа ва ахборот технологиялари мутахассисларини тайёрлаш марказини битирган ҳарбий хизматчилар қўшинларда йўриқчи лавозимига тавсия этилади. Шунингдек, оддий аскар ва сержантлар таркибига мансуб контракт бўйича ҳарбий хизматчилар хизмат мавқеининг кўтарилиши ва навбатдаги ҳарбий унвон берилишида ушбу марказда таҳсил олгани ҳисобга олиниши низомда белгилаб ўтилган.

**Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,**  
«Vatanparvar»



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосан, юртимизнинг барча жабҳаларида рақамлаштириш тадбирлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Мудофаа вазирлиги бўлинмаларида замонавий алоқа ва ахборот-коммуникация тизимларининг жорий этилиши, электрон маълумотлар алмашинуви, бўлинмалар ҳаракатини онлайн назорат қилиш, ҳимояланган алоқа тизимлари, мобил алоқа техникаларининг модернизация қилиниши шулар жумласидандир.

Жорий этилган ва этилаётган алоқа ҳамда ахборот тизимларини қўшинларнинг кундалик ва жанговар фаолиятида тўғри қўллаш, уларни эксплуатация қилиш ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлашда малакали

кадрларга бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Алоқа ва ахборот технологиялари мутахассисларини тайёрлаш маркази айнан шу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган.

## ХАЛҚАРО ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Алоқа ва ахборот технологиялари мутахассисларини тайёрлаш маркази Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисм базасида жойлашган. «Телекоммуникация тизимлари», «Радио ва космик алоқа», «Ахборот технологиялари ва тизимлари», «Ахборотларни криптографик ҳимоялаш ва киберхавфсизлик» каби тўртта циклда машғулотларнинг талаб даражасида ўтказилиши учун бой тажрибага эга устозлар жалб этилган. Марказнинг асосий вазифалари алоқа ва ахборот технологиялари мутахассисларини тайёрлаш, миллий ва халқаро таълим стандартлари асосида таълим жараёнида инновацион ва илмий педагогик технологияларни, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини қўллаш, мутахассисларнинг юқори жанговар, ахлоқий-руҳий ҳамда

ватанпарварлик сифатлари, мураккаб жанговар вазиятларда тез ва оқилона қарорлар қабул қилиш қобилиятини шакллантиришдан иборат.

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ БИРЛАМЧИ

Марказда Мудофаа вазирлигида хизмат қилаётган контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар ҳамда сержантлар таркибининг алоқа ва ахборот технологиялари мутахассислари таълим олади. Номзодлар рўйхати ўқув курслари бошланишидан бир ой олдин шакллантирилади. Алоқа бўлинмалари таркибидан мутахассисларни саралаб олишда бевосита гуруҳ, взвод, қисм алоқа хизмати бошлиғи ва ҳарбий қисм командирининг тавсияси инobatга олинади ҳамда асосий эътибор ҳарбий хизматчининг интеллектуал салоҳиятига қаратилади.

– Марказимизда ҳарбий хизматчиларнинг алоқа ва ахборотлаштириш воситаларини амалда қўллаш ҳамда қўшинларнинг бошқарув тизимидан самарали фойдаланиш бўйича малакаси оширилади, – дейди марказнинг цикл бошлиғи капитан Аслиддин Шамсиддинов. – Марказимизнинг асосий фаолияти мутахассисларга

# Uch avlod uchrashuvi



Muallif suratga olgan

Toshkent viloyatida joylashgan harbiy qismlardan birida ochiq eshiklar kuni o'tkazildi. "Xalq va armiya – bir tan-u bir jon" shiori ostida o'tkazilgan tadbirda nuroniylar, faxriylar, o'quvchi va mahalla faollari harbiy qismga tashrif buyurdi. Yaratilgan sharoitlar bilan tanishgan mehmonlar harbiy xizmtchilarning ko'rgazmali chiqishlari, qurol-aslahalar namoyishi hamda badiiy kechani maroq bilan tomosha qildi.

– Ustozlarimiz boshchiligida harbiy qismga sayohat uyushtirildi. Sinfdoshlarim bilan filmlardagi qurollarni ko'rdik. Ayniqsa, harbiy akalarimizning ko'rgazmali qo'l yangi sahnalari juda yoqdi, – deydi 9-sinf o'quvchisi Laziz Qayumov. – Bugungi taassurotlarimdan keyin harbiylik kasbiga bo'lgan ishtiyoqim yanada oshdi. Nasib etsa, bor kuch-

g'ayratimni shu kasbni egallashga bag'ishlayman hamda Vatanimiz tinch va osudaligi uchun o'z hissamni qo'shaman.

– Respublikamiz bo'yicha noyabr oyi keksalar uchun turizm oyligi deb e'lon qilingan. Shu munosabat bilan Chirchiq shahridan 44 ta mahalladagi keksalar bilan ushbu harbiy qismga tashrif buyurdik. Davlatimiz tomonidan

## OCHIQ ESHIKLAR KUNI

milliy armiyamiz uchun yaratilgan sharoitlarni ko'rib, juda quvondik, – deydi Chirchiq shahri mahalla va nuroniylarni qo'llab-quvvatlash bo'limi boshlig'i maslahatchisi Olim Yuldoshev. – Maktabning yuqori sinf o'quvchilarini ham olib kelishimizga sabab shuki, kun kelib, ularda ham shu kasbga bo'lgan mehr osha, vatanparvarlik ruhida tarbiya topishida oz bo'lsa-da, hissamiz qo'shilsa, o'z maqsadimizga erishgan bo'lamiz. – Yaqinda sog'lig'im tufayli harbiy gospitalning yangi qurib bitkazilgan binosida davolandim. U yerdagi shart-sharoitlar, eng so'nggi rusumdagi

tibbiy uskunalari bilan ta'minlangan oliy toifali harbiy shifokorlar malakasi tufayli tez fursatda shifo topdim. Bunday imkoniyatlarni hattoki eng yaxshi deya tan olingan xususiy shifoxonalarda ham ko'rmagandim.

Ochiq eshiklar kunida uch avlodning uchrashuvi harbiy xizmatchilarga ham ko'tarinkilik bag'ishladi. Mehmonlarning barcha savollariga harbiy xizmatchilar tomonidan hayotiy misollar orqali javob berildi.

**Sherzod SHARIPOV,**  
«Vatanparvar»

# Malaka



Bugungi davr har bir soha vakillari oldiga tezkor va ishonchli manbalar asosida ishlash, yangicha ishlanmalar, zamonaviy formatda faoliyat yuritish talabini qo'yimoqda. Ayniqsa, dunyoda sodir bo'layotgan qurolli to'qnashuvlarda harbiy xizmatchilarning jangovar ruh va mafkuraviy immunitetini shakllantirish, ularda fidoyilik va vatanparvarlik hissini yanada oshirish kechiktirib bo'lmas vazifalardan biri bo'lib qolmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari harbiy xizmatchilarining axloqiy-ruhiy tayyorgarligi va jangovar ruhini oshirish, turli murakkab va og'ir vaziyatlarga nisbatan ruhiy bardoshlilikini, yot g'oyalarga qarshi mafkuraviy immunitetini mustahkamlash orqali milliy armiyamizning jangovar shayligi va qudratini kuchaytirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 8-sentabrdagi qaror ijrosi yuzasidan

O'zbekiston Respublikasi xalqaro Islom akademiyasida qo'mondonlik tarkibi ofitserlarining "Yot g'oyalarga qarshi mafkuraviy immunitetni mustahkamlashning ma'naviy-ma'rifiy asoslari" maxsus dasturi bo'yicha o'qishlari tashkil etildi.

O'n kun davom etadigan malaka oshirish kursida (72 soat) akademiyaning yuqori malakali professor-o'qituvchilari tomonidan qo'mondonlik tarkibi ofitserlariga qo'shinlarda harbiy

## MAFKURAVIY IMMUNITET MUSTAHKAMLANMOQDA

xizmatchilarning yuqori axloqiy-ruhiy tayyorgarligi va jangovar ruhini ta'minlash, ularda turli buzg'unchi g'oya va ta'sirlarga qarshi mafkuraviy immunitetni mustahkamlash, harbiy jamoalarda yuksak harbiy intizom, o'zaro yordam va hamjihatlik borasida yangi bilim hamda tushunchalar berib boriladi.

O'quvlardan ko'zlangan maqsad barcha bo'g'indagi komandir va boshliqlarning asosiy faoliyatini harbiy xizmatchilarning axloqiy-ruhiy

psixologiyasini mustahkamlash, ularning kasbiy professionalligini oshirish, har qanday yot g'oyalarni to'g'ri tahlil qila olish ko'nikmalarini mustahkamlashga qaratilgan. Tinglovchilarning yurtimizning diqqatga sazovor obidalari, muzeylar va muqaddas qadamjollarga tashrifi ham belgilab qo'yilgan.

**Katta leytenant**  
**Bobur EMURODOV,**  
«Vatanparvar»

# "Vatan bilan ulg'ayar shon-shavkatimiz" tanlovi

# «Кўз қорангдир Ватан»

Дунёда ўзингизни бир зум бўлса-да бахтиёр сезишингиз нақадар мароқли, завқли. Инсонларнинг самимий қувончлари учун яшасанг – бахтиёрлик, бахт шу эмасми аслида. Юртдошларинг, кўнглингга яқин инсонларинг ҳаётида қувончли лаҳзалар қанча кўп бўлса, шунча яхши. Уйдан хурсанд бўлиб чиққан инсоннинг ишида унум бўлади, дейишади. У Ватан равнақи йўлидаги ҳар қандай хизматдан завқ олиб меҳнат қилади, шу йўл билан мамлакат фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшади. Ҳар биримиз ана шундай кучли иштиёқ билан яшаймиз.

Ватанпарварлик туйғуси қонимизда бор. Қадимда ота-боболаримиз ҳар бир қарич еримизни кўз қорачиғидек асраган. Ватанни онага қиёслайди. Она бағрида гўдак ўзини қандай эмин-эркин сезса, Ватан қучоғида ҳам ҳар бир инсон ўзини улғувор ишларга қодир сезади. Энг муҳими, бахтиёр умргузаронлик қилади. Ватан тинчлиги, осойишталигини асраб-авайлаш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи саналади.

Шу Ватанда туғилиб ўсган ўғил-қиз борки, «Мен ўзбекман! Амир Темур, Жалолидин Мангубердидек буюк инсонларни етиштирган буюк юрт фарзандиман», дея ғурур билан бошини мағрур тутмоқда. Миллий ғурур Ватанга бўлган садоқатдан куч олади, инсон-

нинг ўзи туғилиб ўсган, киндик қони тўкилган қишлоқ, шаҳар, ота-боболари, авлод-аждодларининг масканини улғулаш, ота-онаси, ака-укаларига меҳр ва ҳурмат кўрсатиш, юртининг ўтмиши ва келажагидан фахрланишида ўз аксини топади. Қалбида миллий ғурури бўлган инсон учун дунёда ўз Ватанидан, ватандошларидан азиз, мўътабар нарсанинг ўзи йўқ.

Ватанга бўлган меҳр ва муҳаббат туйғусининг қанчалик улғуворлиги шоирнинг ушбу сатрларида шундай баён этилади:

*«Ватан надир!» дея мендан сўрама,  
Тизангга ухлаган болангдир, Ватан.  
Сени оппоқ ювиб, оппоқ тараган,  
Сочлари оқарган онангдир, Ватан.*

*Тунда ой оғушлаб титраган само,  
Юлдузлар сирини хўплаган маъво,  
Тонгда қуёш нурын юзингга селиб,  
Райҳонлар атрини уфурган дунё –  
Топган бойлигинг, кўз қорангдир Ватан...*

Дунёда ҳар бир инсон учун ўзи туғилиб ўсган замин муқаддас даргоҳ. Ватан – инсоннинг руҳияти, турмуш тарзи, онгу тафаккури, ўтмиши, бугуни ва келажаги мужассам бўлган муқаддас тушунча. Унинг тинчлиги ва осойишталигини асрамоқ, ҳар бир қарич тупроғини кўзга сурмоқ, бу – муқаддас тушунчани янада буюкликка олиб чиқади.

Муқаддас юртга киндик қони тўкилган, жаннатмакон юртнинг кенг кўчаларида тетапоя қилиб катта бўлган ҳар бир инсон борки, уни севади, ардоқлайди. Унинг фаровонлиги учун жонини фидо қилади. «Инсон учун Ватанидан яхшироқ ёр бўлмайди» деган сўз айни ҳақиқат. Чиндан ҳам Ватандек азиз, Ватандек муқаддас, Ватандек улғу маскан йўқ дунёда. Инсон ниманики муқаддас билса, барчаси Ватан билан боғлиқдир. Аслида Ватанга бўлган меҳр, муҳаббат туйғулари юрак тўридан жой олади. Бу туйғулар шу юрт учун, шу халқ учун эзгу ишлар қилишга ундаб туради. Она Ватанни чин қалбдан севиш, унинг манфаатлари йўлида бутун билим, қобилият, куч-қувватини сафарбар қилиш демақдир. Ҳадислардаги «Ва-



танни севмоқ иймондандир», деган ҳикмат замирида ҳам худди шундай мазмун ётади. Ватанни чин дилдан севган инсон жамият манфаатини ҳамиша ўз манфаатидан устун қўяди. Миллатим, элим, юртим деб кўпчиликка фойда келтириш, одамлар дарди, ташвиши билан яшаш бундай инсонларнинг ҳаёт мазмунини ташкил этади. Ҳа, инсон қаерда туғилса, ўша ерга чексиз меҳр қўяди. Ҳатто жониворлар туғилишиданоқ ўз маконларини билади, уни ўзлари учун муқаддас ошён билиб шу масканларини астойдил муҳофаза қилади.

Азиз юртдошим, Ватанимизнинг ҳар бир қарич ерини кўз қорачиғидек асрайлик, унинг дахлсизлигини бирга таъминлайлик. Шу муқаддас заминга меҳр қўйиб, улғу замин – Ўзбекистонга муносиб фарзанд бўлайлик. Ватанга бўлган меҳримиз зинҳор сўнмасин!

**Самандар САЙДИВАЛИЕВ,  
Чирчиқ олий танк  
қўмондонлик-муҳандислик  
билим юрти курсанти**

# «Оддий аскар» Махсет Аскарров

Гапирини билмайман. Қўйсанг-чи, Сахида. Айланайин, Шаҳиста. Исмингни унутиб қўяман. Қаричиликда»...

Куламан. «Ҳали ёшсиз. Мана мен деган паҳлавон ҳам сиздан ўрнак олса бўлади» дейман. Отахоннинг юзи ёришади. Гапимдан қувонганини сезаман. Кейин кўнгли эрибгина: «Бўпти, нималарни гапиршим керак», деганча тикилади.

Дарвоқе Махсет оға округнинг тажрибали ҳайдовчиларидан. 40 йилдан бери ҳарбий хизматчилар билан бир сафда фаолият юритди. Улар билан баравар хизмат вазифаларига киришиши, садоқат ва фидойилик билан Ватанга хизмат қилиши алоҳида эътирофга лойиқ. Шунинг учун ҳам бу инсон ҳақида ёзишни устадик. Мақсадимиз – ундан ўрнак олишсин, у каби бўлишга интилсин.

## E'LON

AGAR SIZ HAM MAZKUR MAQOLALAR TANLOVIDA ISHTIROK ETMOQCHI BO'LSANGIZ, IJODIY ISHLARINGIZNI, ALBATTA, BIZGA JO'NATING.

Elektron manzil: vatanparvar-bt@umail.uz  
Telegram orqali @Vatanparvargazetasi\_bot yoki 90 968 62 08 raqami.

O'zingiz haqingizda qisqa ma'lumot: ish (o'qish) joyi, manzil va bog'lanish uchun telefon raqami ham esdan chiqmasin.

Mukofotlar ham chakki emas,

1-o'rin (1 ta) – bazaviy hisoblash

miqdorining (BHM) 20 barobari,

2-o'rin (2 ta) – BHM 15 barobari,

3-o'rin (3 ta) – BHM 10 barobari,

shuningdek, rag'batlantiruvchi mukofot

(4 ta) – BHM 6 barobari.

Tanlov 24-dekabrgacha davom etadi.

## БОЛАЛИК

– Болалигим тўқчилик билан ўтмаган. Кўп оғир кунларни, қийинчиликларни бошимдан кечирганман, – дейди суҳбатдошим. – Чунки оилада ўн беш нафар фарзанд улғайганмиз. Етишмовчилик кўп бўларди. Отам заводда ишлар, онам эса уйда фарзанд тарбияси билан банд эди. Энди йўлаб кўринг: бир кишининг маоши билан ўн беш жонни боқишнинг ўзи бўлмайди-да. Еттинчи синфни тамомлаб, оиламизга бироз ёрдам бўлиши учун машина тузатадиган устахонага ишга кирганман.

Болаликдан меҳнатга ўрганганмиз. Онам шундай ўргатган. Оғир кунларда онамнинг «бу кунлар ҳам ўтади. Сизлар дунёдаги энг бахтли инсон бўласизлар!» деган тасаллиси юпанч бўларди. Йиллар ўтиб, онамнинг гаплари ўз исботини топди. Сабр ортидан кўп нарсага эришдим...

## УМР ДОВОНЛАРИ

– 1974 йили ҳарбий хизматга юборилдим. Армиядан келиб Нукус шаҳридаги ҳарбий савдо дўконига ҳайдовчи бўлиб ишга кирдим. Юртимиз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг 1993 йилдан то округ ташкил этилгунга қадар Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида автобус ҳайдовчиси бўлиб фаолият юритдим. 1999 йилдан ҳозиргача Шимоли-ғарбий ҳарбий округда ҳайдовчи бўлиб ишладим. Умрим йўлда ўтди. Бундан ҳеч қачон нолимайман. Илгари узоқ манзилларга ҳам эски техникалардан фойдаланар эдик. Таъминотда бироз оксоқлик кузатиларди. Қуролли Кучларда олиб борилган кенг ислохотлар сабаб камчиликлар бартараф қилинди. Натижада округимизда ҳам анча ўзгаришлар юз берди. Шинан ва замонавий автобуслар сотиб олинди. Бундан кўзланган мақсад эса, албатта, ҳарбий хизматчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш.

## МЕҲНАТДАН ҚАДР ТОПГАН ИНСОН

Махсет оға яқинда муносиб ҳурмат ва эҳтиром билан нафақага кузатилди. Кузатув маросимида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Фарҳоджон Шерматов ҳам иштирок этди. Махсет оғага сўз берилганида, ҳаяжондан гапиролмади. Аслида ёшлиги ўтган бу даргоҳни ташлаб кетиш қанчалик қийин эканлигини отахоннинг ёш тўла кўзларига қараб англаш қийин эмас эди.

– Махсет Аскарровда ҳарбий хизматчиларга хос ғайрат ва шижоат бор, – дейди отахон билан кўп йиллар бирга фаолият олиб борган истеъфодаги подполковник Адил Бабаев. – Нукусга ҳарбий хизматга келганлар Махсет оғани жуда яхши танишади.

Бежизга уни «оддий аскар» дейишмайди. Ҳарбий хизматчи низомда белгиланган тартиб-интизом асосида хизмат қилади, тўғрими? Махсет оға ҳам худди шундай. Соат олтида полигонга отланиш керак бўлса, соат 5.00 да оға автобусини тайёрлаётган бўларди. Инсон ҳар бир ишга ўзгача иштиёқ билан ёндашар экан, албатта, унум топиши муқаррар. Махсет оға ана шундай инсонлардан бири...

– Автобусга чиққанимиздан ҳарбийча саломлашувдан сўнг отахон бизни йўриқнома билан таништиради: pista чақилмасин, шовқин солманглар, автобус юрганда ўрнингиздан турманг ва ҳоказо, – дейди катта лейтенант Муроджон Худойбердиев. – Махсет оғанинг талабчанлиги бизларни ҳам масъулиятли бўлишга чорлайди, техникани асраб-авайлаш, тозалликка риоя қилишга ўргатади. Оға шу билан бирга ҳазилкаш ва муомалали инсон. Ёшу қарининг кўнглини топа олади. Ҳарбий қисмдаги барча ҳарбий хизматчилар уни ўз оила аъзосидек яхши кўради, ҳурмат қилади. Улар билан хайрлашиш ҳаммамиз учун қийин...

Уч фарзанднинг отаси, бир этак набираларнинг сеvimли бобожониси, ҳарбий округнинг чинакам «виждон»ига айланган отахон ишда ҳам, оилада ҳам интизом, масъулият ва тартибни биринчи ўринга қўяди. Ҳамкасблари тили билан айтганда, у ҳақиқий «оддий аскар» Махсет Аскарров бўлиб тарихда қолиши, шубҳасиз. 21 ёшида армия ҳаётига кириб келган эди, 67 ёшида иззату ҳурмат ила нафақага юборилди. Махсет оғага кексаликнинг энг гўзал дамларини тилаб қоламиз.

**Шоҳиста АБДУРАҲМОНОВА**

# "Vatan bilan ulg'ayar shon-shavkatimiz" tanloviga



# Ёзёвонлик ЖАНГЧИ

**Ф**арғона вилоятининг Ёзёвон туманида яшаган Ҳайдарали ота Қўзибоевни нафақат туман, балки вилоят аҳли яхши танирди. Биз ёшлар Ҳайдарали отанинг Иккинчи жаҳон урушидаги қаҳрамонликлари, элу юрт равнақи йўлидаги беминнат хизматлари ҳақидаги ҳикояларни эшитиб, ҳавас қилиб улғайдик. У киши ҳақида кундалик нашрларда эълон қилинган мақолаларни, суҳбатларини мароқ билан ўқиганмиз.

Иккинчи жаҳон уруши давом этаётган 1942 йил жуда оғир кечганди. Уруш майдонларидаги каби фронт ортида ҳам ҳаёт учун аёвсиз кураш давом этарди. Қўлига қурол тутта оладиган эр йигит борки, урушга йўл олган, қишлоқларда қариялар, болалар ва аёллар қолганди. Ушанда Ҳайдарали Ёзёвон туманидаги жамоа хўжалигида ёшлар звеноси етакчиси эди. Фаол ташкилотчи, меҳнатсевар ва тиришқоқ бўлгани учун уни имтиёз билан фронтдан олиб қолишга қарор қилишади. Аммо у бунга рози бўлмайди. Ҳарбий комиссариатга ариза билан қайта-қайта мурожаат қилади. Ниҳоят отаси Қўзибой ака ўглини фикридан қайтара олмай, унга оқ фотиҳа беради.

1942 йилнинг 18 декабри. Ёзёвондан 45 нафар йигит урушга сафарбар этилди. Уларни қисқа фурсатларда қайноқ жабҳага ташлашди. Еру кўк ларзада, қулоқларни батанг қилгудек тинимсиз ўқ товушлари, снаряд портлашлари, «Олға, олға!» деган ҳайқирдиқлар тинмайди. Ҳайдарали югура-югура, орада бир тўхтаб, миномётдан отади. Ёнгинасида полк командири Тугаевнинг бақирғи эшитилади. «Олдинга юр, бўш келманглар, йигитлар!», дейдида бўралаб сўкинади. «Смоленск шаҳрига киряпмиз», дейди.

Ҳайдарали кўча жанглари кузатар ва олға интилар экан, бўғиқ ҳайқирдиқлар, ярадорларнинг ох-воҳи, ўқларнинг қулоқ остида визиллаб учушидан кўрқинчи туш кўраётганга ўхшайди. У шу жангда оёғидан яраланиб, ерга қулади. Шерикларидан кимдир қўлидан миномётни олиб, олға кетганини эмас илғайди, холос...

Калининград шаҳри госпиталида ўзига келди, иккала оёғига осколка теккан экан.

– Довюрак экансан, – деди госпиталь бош шифокори. – Қуролдошларинг айтиб беришди. Ҳали ёшсан. Жангни юрак билан эмас, бош билан олиб бориш керак. Сени кичик командирлар курсига юборамиз, дейишди.

Тўрт ойлик алоҳида тайёргарликдан ўтган Ҳ. Қўзибоев кичик сержант унвони билан Белоруссиянинг шимолида қалин ўрмон билан қопланган Россонига жўнатилади. Туман марказидаги ёғочдан тикланган уйларнинг деярли барчаси култепага айланган, фақат биргина хонадон бус-бутун эди. Душман ана шу уйда пистирмада экан. Уртада отишма бошланди. Тиш-тирноғига қуролланган душман аскарлари қаттиқ қаршилиқ кўрсатишди. Кичик сержант Қўзибоев уй ёнига пусиб бориб, ўт қўйишни буюрди. Кутилмаган ёнғиндан довдираб қолган фашистлар ташқарига отилди ва ўқларга нишон бўлди. Улар 15 нафар экан, 3 нафари асир олинди.

Жанговар топшириқлар пайдар-пай келарди. Бир гал у разведкачилар гуруҳига бош бўлиб, «тил» олиб келишга юборилди. Душмандан «тил» олиш қил устида юргандек назик вазифа эди. Уларга омад кулиб боқди. Бир эмас, икки эмас, беш нафар аскар ва зобитни ўлжа қилиб келишди. Мана шу хизматлари учун уни икки нафар разведкачи шериги билан жанговар орденларга тавсия қилишди. Уруш фақат ғалаба-

лардангина иборат бўлмайди. Бир гал у гуруҳи билан Днепрнинг нариги соҳилига «тил» олгани ўтганда, пистирмага дуч келди. Бир неча соат давом этган жангда қуролдошлари бирин-кетин ҳалок бўлди. Кичик сержант Қўзибоев вазиятни назорат қилиб, Днепр сувига ўзини ташлади. Ўқ мисоли ёмғирдек. Дарёнинг қоқ ўртасига етганида яраланганлигини сезди. Қийналиб бўлса-да қирғоққа етиб олди.

– Нима бўлди, ярадормисан? – сўради командирлардан бири.

– Ҳа, фақат мен айтадиган маълумотларни ёд олиб, тегишли жойга етказинг, – дея бир амаллаб кўрган ва билганларини айтди-да, ҳушини йўқотди. Дала госпиталида операция қилишди. Жанговар сафга қайтганида унга яна бир жанговар орден топширишди. Шундан кейин Минск, Воложин каби шаҳарларни озод қилишда фаол иштирок этди. Ана шундай қақшатқич жанглардан бирида кўкрагидан оғир яраланди. Берлингача ета олмади...

Воложинда оғир яраланган қаҳрамонимиз ғалабани Москва шаҳридаги госпиталда кутиб олди.

Иккинчи жаҳон урушининг 1942 йилнинг ноябри – 1943 йил охиригача бўлган даврини тарихчилар «урушнинг иккинчи оғир даври» деб номлайдилар. Чунки бир йилдан ортиқроқ муддат давомида душманинг 218 дивизияси тор-мор келтирилди, 14 300 та самолёт, 7 минга яқин танк, 50 минга яқин тўп, 296 кема ва бошқа техникаси яқсон қилинди. Қуруқликдаги кўшинлари берган талафот эса 2,3 миллион кишини ташкил қилди.

Фронтдан қайтган Ҳайдарали Қўзибоев 1950 йилгача Ички кўшинлар таркибида хизмат қилди. Қанчадан-қанча жиноятларнинг олдини олиш ва фож этишда бош-қош бўлди. Бу ҳақда фарғоналик ёзувчи Алишер Бек Тошқуловнинг Ҳайдарали Қўзибоев тўғрисида ёзилган «Эҳтиром» номли китоби орқали танишиш мумкин. Ватан ҳимоясини олий бурч деб билган Ҳайдарали Қўзибоев ёшлардан ўз маслаҳатларини аямайди. Менга у киши билан кўп бор суҳбатдош бўлиш насиб этган.

– Қаддим биров букилиб, юзларимга ажин тушди. Аммо кўнгил қаримас экан, ҳамон ғайрат-шижоат авжида. Шу боис тез-тез ички ишлар идораларига бориб, уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятлари билан қизиқаман, ёш ходимларга тажрибаларимни гапириб бераман, – деган эди у киши суҳбатларимиздан бирида.

– Уруш ҳақидаги хотираларни сўзлаб бериш, юрагимдаги армонларни айтиш мен учун жуда оғир. 1980 йили София шаҳрининг бош майдонида Ўзбекистон–Болгария дўстлик жамиятининг анжумани бўлиб ўтди. Мендан жанговар ҳаракатлардаги иштироким ҳақида сўзлаб беришни сўрашди. Гапираётим, ҳаяжонланганимдан ҳушимдан кетиб, уч кун шифохонада ётдим. Э-э-э... номинг ўчгур урушни эсламоқ осон эканми?! – дея ҳаммиша ёшларни хайрихоҳликка, тинчликни сақлашга чорлаб келган Ҳайдарали Қўзибоев бугун орамизда йўқ. Бироқ унинг қаҳрамонликлари, дориларимон кунларга етиб келишимизга қўшган улкан ҳиссаси ҳаммиша ёдимизда.

**Камолиддин РЎЗИМАТОВ,  
ЎзЖОКУ Ҳарбий журналистика  
йўналиши талабаси**

**В**атан бу – қаҳрамон ота-боболарим яшаган муқаддас юрт, товушлар ва ранглар, таассуротлар ҳамда кашфиётлар билан ажралиб турадиган улкан дунё. Ватан мен учун меҳрибон ота-онам, яқин қариндошларим ва ҳозир ҳаёт бўлишмаса ҳам бузим ҳамда бувамлардир.

## БОБОМ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ



Ватанни севишни ота-онам ўзгача тарзда ўргатишган. Ҳалол ва адолатли бўлиш, Ватан билан фахрланиш ва шунга муносиб ўқиш, ишлаш... Болалигимдан она Ватан далалари, ўрмонлари, чўллари ва дарёларининг гўзаллиги, чексиз кенгликларнинг қудрати, мўъжизалари, бойликлари ҳақида, мард ҳамда олижаноб халқимизнинг қаҳрамонликлари тўғрисида кўп эшитганман.

Улғайиб англаб етдимки, виждонга мувофиқ яшаш, мамлакат манфаатларига хиёнат қилмаслик, халқимизнинг қадриятларига содиқ бўлиш бу – болаликдан бериладиган ватанпарварлик тарбияси. Яъни биз ҳавас қиладиган шахслар кимлар бўлиши мумкин? Улар Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Собир Раҳимов, урушларда юрт тинчлиги учун қон кечган ота-боболаримиздир. Уларнинг руҳини ёд этиш, эзгу амалларини давом эттириш, табиатга эҳтиром билан муносабатда бўлиш, мардлик, фидойилик каби фазилатларни ёшлар қалбида шакллантириш лозим.

Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган ва ҳозир орамизда йўқ бўлса-да, мен учун абдий ҳаёт инсон, жондан ортиқ севган «додам» – Иззат Мухамедов хотирасини ёд олганимда доим юрагимда фахр-ифтихор туйғуси уйғонади. 1895 йил 10 май куни Сайрам қишлоғида таваллуд топган бобом айна навқирон ёшида урушга отланади.

Марказий архивдаги маълумотларга кўра, урушнинг биринчи кунидан 14-армиянинг 2-йигма бригадасида муҳандис-сапёр лавозимида жангга киради. Украина мудофаасидаги қақшатқич муҳорабада пиёдалар минасининг портлаши оқибатида бобом чап оёғини сон қисмигача жароҳат олиб йўқотган. Ҳарбий госпиталда даволаниб бўлгач, иккинчи гуруҳ ногирони бўлишига қарамай, мотоцикл коляскасида пулемётчи бўлиб хизматни давом эттирган.

Ҳа, мен кўплаб орден ва медаллар билан тақдирланган буюк инсон ҳамда қаҳрамоннинг неварасиман. Бобом хотирасига эҳтиром келтириб, шу сўзларни ёзар эканман, ёшларга шуни айтмоқчиманки, ўз тарихингизни билинг, яқинларингиз, улуғларингизни хотирланг, улар тўғрисидаги маълумотларни ўрганинг!

**Подполковник Шерзод МУХАМЕДОВ,  
Фавқулодда вазиятлар  
вазирлиги академияси**

## # Mulohaza

Улуғ адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Диёри Бакр» китобини ўқиганмисиз? Ёзувчини «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» асарларини билмайдиган одам топилмаса керак. «Диёри Бакр» улардан фарқли. Мен адиб асарларини таҳлил қилиш фикридан йироқман. Фақат шуни таъкидламоқчи эдимки, бу китобни ўқисангиз ёзувчини янгидан кашф қилгандек бўласиз, ишонинг, буни шахсий тажрибамга суяниб айтяпман.



# ГАЗЕТА — САВОДХОНЛИК МАКТАБИ

«Диёри Бакр» китобида 1923 йилнинг 1 январидан «Туркистон» газетасида эълон қилинган «Тилак», деган хангомаси бор. Биз хангомага батафсил тўхталмоқчи эмасмиз. Ўша давр учун янги аҳана бўлган янги йил тилаги ҳақидаги бу хангомадан учинчисига эътиборингизни тортамиз.

**Ўқиймиз:** «3 – юзда беш фоиз ташкил эткан ўрус оға-иниларнинг «Правда»лари 10 мингга етканда, 95 фоизлик ўзбекларнинг «Туркистон»лари 8 мингдан 3 мингга тушиб қолди деб «Туркистон»даги оға-инилар гуврана-зорлана бошладилар. «Туркистон»ни 8 мингга эмас, 80 мингга етқузиш учун энг оддий, энг абжақ бир чора бор:

Авалло, «Туркистон»ни бир яхши домладан уч кун ўқутиб олинсун, сониян (иккинчидан) «Туркистон»да бу кунгача бўлуб келган бўлимлар шу йўсун билан ўзгартилсун:

– Сиёсат ўрнига «Жангномаи ҳазрат Али»дан (ҳазрати Алининг ғайридинлар билан олиб борган курашини афсонавий тасвирловчи китоб) тўрт оғиз;

– Иқтисод ўрнига «Жангномаи Жамшид»дан (эрониларнинг қадимдан душманларга қарши курашиб келган воқеаларни афсонавий ҳикоя қилувчи китоб) бир фасл,

– Фелетўн ўрнига «Нот пинкартўн» (Пинкертон – детектив адабиёт қаҳрамонининг номи) ва «Шерлўк Хўлмс» (инглиз ёзувчиси А. К. Дойл асарларининг бош қаҳрамони) ажиналаридан бир парча...

– Ўлка ва Тошканд хабарлари ўрнига «Алдаркўса» ҳикояларидан, «Алифлайло» («Минг бир кеча» ҳикояларининг арабча номи) воқияларидан ширин-ширин ривоят (эълонларга тегила кўрулмасун, чунки эълон учун «Туркистон»ни олғучи савдогарларимиз кўб кўринадилар).

Азиз ўқувчи, бу бугуннинг ҳам муаммоси эмасми? Газеталар тиражлари кескин тушиб кетди, айримларининг молиявий ҳолати оғир

аҳволда. Эътибор берган бўлсангиз, газетани ўқимай туриб баҳолайдиганлар кўпайди. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: сўнги марта қайси газетани варақлаб кўрдигиз? Ўқидигиз эмас, шунчаки варақлаб кўрдигиз?

Газеталарни бой беришнинг оқибатлари кўрқинчидир. Аммо биз бой беряпмиз. Худди Оролнинг секинлик билан биздан узоқлашаётганини бировимиз билиб, бировимиз билмай, бировимиз билсак-да, парво қилмаганимиз каби фожианинг олдини олишга ҳаракат қилмаяпмиз. Истаймизми, йўқми, жамиятнинг онглилиги, маърифатлилигида газетанинг ўрни беқиёсдир.

Газета, биринчи ўринда, саводхонлик мактабидир. Ўзбек адабий тилининг софлигини сақлаб келаётган беминнат ёрдамчидир, у! Мамлакат ички ва ташқи сиёсатини халққа етказувчи энг кучли восита!

Дунё сиёсати кетувини англаувчи холис куч!

Ҳукумат қарорлари, қонунчиликдаги янгиликлар, ўзгаришлар...

Бугун газеталар ахборот етказишда ортда қолаётгани танқид қилинади. Ўринсиз танқид. Чунки деярли ҳар бир газетанинг бугун веб сайтлари мавжуд. Шунчаки, энгил-елпи қизиқишларимизни хаспўшлаш учун баҳона-да.

Бугун ижтимоий тармоқларни аҳолининг катта қисми кузатиб боради, деб ўйлайман. Яқинда «Газета ўқийсизми?» деган сўровномага кўзим тушди. Ростини айтсам, уларнинг жавобини тахмин қилган эдим.

Бу мени анчагина ўйлантириб қўйди. Асли оламшумул янгилик эмас, фақат бир нарса: ўқимасликдан хижолат бўлмаслик ҳайратланарли эди! Қачон бу даражага тушиб қолинди?! Нима учун?

## НИМА УЧУН ЎҚИМАЙСИЗ?

Оддийгина ҳақ-ҳуқуқингизни таниш учун ҳам ўқиш керак-ку?! Олди-қочдилардан зерикмайсизми? Рост-ёлгонларни ажрата оласизми? Ноинсоний разилликлар қизиқарлими? Руҳиятингизга раҳмингиз келмайдими? Руҳиятингизни тоза сақлашни истамайсизми?

«Ҳар қанча хабар бўлса, интернетдан ўқиймиз...» Тахмин қиламан, нималарни ўқишингизни. Онгингизни аллаловчи диний маърузалар, ривоятлар тинглайсиз, табиий. Чунки уларни таҳлилсиз, саволларсиз қабул қиласиз. Савол бериб яна даҳрийга айланиб қолишингиз ёки дўзахнинг нақ қоқ марказига тушиб қолишингиз мумкин. Чунки айрим «алломалар» ўзларини жаҳаннамнинг калитига эгадек тутадилар.

«Газеталар ёлгонни ёзадилар, бўрттириш кўп...»

Бир неча йиллик хизмат фаолиятимда босма оммавий ахборот нашрлари яқин ҳамроҳим, ёрдамчим бўлди. Газеталар жамиятнинг ойинаси, кўзгусидир. Ёлгон ахборот... Ҳали ҳеч қачон бунақасини кўрмадим, ўқимадим. Аммо интернет нашрларнинг шов-шув хабар ортидан қувиб эътирозларга сабаб бўлгани, чуқур ўрганилмаган маълумотлар учун биров билиб-билмай узр сўраш ҳолларига гувоҳ бўлдик.

Хабарларни тезкор ўқишга нима етсин. Аммо газеталар ҳам бир жойда қотиб қолгани йўқ. Улар ҳам замонга мослашдилар.

Замон тезлашиб кетяпти. Ҳамма қаёққадир шошади. Кун қандай кеч бўлди, сезмай қоласиз. Эрталабдан турмуш, тирикчилик ташвишлари билан оқшомга ҳам етиб келдингиз. Энди уйга! Уй... ҳузурли бир гўша. Аммо... Яна қўлингизда телефонми? Ёки телевизор пультаини олдингизми? Болаларингиз билан дарс қилмасангиз керак? Ана, онаси шуғулланяпти-ку!

Шу лаҳзаларда қўлингизда газета тутсайдингиз. Натижаси кўп ҳам куттирмас эди. Ишонинг, болалар қўлингиздаги газетага янги

телефонга бўлган қизиқишдан кам қизиқиш билдирмасди. Болалар бизнинг такроримиздир. Газета ўқий бошласак, улар ҳам шу ишни қиладилар, ҳаётимизни, қимматли вақтимизни ўргимчак уяси бўлган ижтимоий тармоқларга сарф қилсак, улар буни ҳам такрорлайдилар.

Ҳамма боласи китобсевар, илмли бўлишини истайди. Ҳаммамизда гўзал орзулар бор. Фаррош боласини фаррош бўлишини орзу қилганини эшитганмисиз? Ота-оналар ўзлари бошдан кечирган қийинчиликлардан болаларини асрашга ҳаракат қиладилар, уларга имкон қадар яхши шароит қилиб берадилар. Аммо кўлида китоб тутган болаларни кўрмайпмиз, китоб дўконларида етаклашиб юрган оилалар жуда озчилик-да.

Жадид боболаримиздан Ботунинг шундай ибратли мисралари бор:

*Дардлилар дард англатолмас  
Дардсиза сўйлов билан.  
Кўрсатиб бўлмас кўешни  
Кўрларга мақтов билан.*

Ҳа, айнан шундай. Қуруқ даъват билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Амалда кўрсатиш керак. Қандай қилиб? Уйда газета ўқинг, ибратли воқеалар бўлса, оила аъзоларингиз билан ўртоқлашинг. Ҳайратингизни изҳор қилинг. Китобсеварлик айнан газета ўқишдан бошланади!

Унутманг, энг кўрқинчли одамлар – жоҳиллар. Улар ўз дунёларидан бошқа яна бир дунё ҳам мавжудлигини тан олмайдилар. Баҳслашиш маданиятининг йўқлиги, айни ҳуқуқларга нописандлик, бошқалар фикрини ҳурмат қилмаслик, кўр-кўрона эргашиш уларга хосдир. Жоҳиллик маърифат қаршисида ожиз. Жамият хилма-хил ва эркин қарашлар, фикрлар билан ривожланади. Уларни соф ҳолда юзага чиқарадиган майдон бу оммавий ахборот воситалари. Газеталар бу борада етакчидир. Чунки унинг қуроли – МАЪРИФАТ!

**Захирадаги полковник  
Садриддин МАХСУДИНОВ,  
Ҳарбий тайёргарлик  
маркази ўқитувчиси**

## # Mutolaa



# «КИТОБ БАНДАСИ»

Кундан-кун китобхонлар сони ортяпти, аммо улар тўғри ва фойдали китобларни танлай олишяптими? Бу савол барчамизни бироз ўйлантиради. Сабаби расталарда адабиётдан, адабий ҳодисалардан йироқ, инсон тафаккурини ўтмаслаштирадиган асарлар тўлиб тошиб ётибди ва унинг ўқувчилари ҳам жуда кўпчиликни ташкил қилади. Тўғри, китоб танлаш ҳар кимнинг ўз индивидуал иши. Бироқ танлашга кўмаклашадиган, сара асарларни тушунишимизга ёрдам берадиган китоблар ҳам бор. Улардан бири ёзувчи Назар Эшонқулнинг «Китоб бандаси»дир. Асар шу кунгача бўлган энг яхши роман, хикоя ва қиссаларга бўлган муносабатлар тўпламидан ташкил топган. Яна бир қийматини оширишга хизмат қиладиган жиҳати шуки, унда адабиётимизнинг ҳақиқий жонкуярлари ҳақида фикрлар келтирилган.

Агар «Жараён», «Улисс» ёки «Чол ва денгиз» асарлари мутолаасини якунига етказиб, сўнг сизда бир қанча саволлар пайдо бўлган бўлса, албатта, «Китоб бандаси»га мурожаат қилишингиз мумкин. Ишонимизки, у сизнинг кўплаб саволларингизга жавоб беради. Ҳозир эса сизларга китобдан олинган бир қанча ёзиқларни тақдим этамиз.

## ФАРЕНГЕЙТ БЎЙИЧА 451 ДАРАЖА

Унинг асарларида масала ҳам бошқача қўйилган. Қаҳрамонларнинг кўтарган муаммоларини бир мамлакатга дахлдор деб бўлмайди. У дастлабки асариданоқ инсониятни кутиб турган фожиалардан огоҳ қила бошлади. Техникалашаётган аср адибни хавотирга солди: унинг қаҳрамонлари қайсидир маънода мана шу техниканинг қурбонлари ёки унинг малайларига айланиб улгурган эди. Техникалашиш инсондан самимийлик ва табиийликни тортиб олади. Инсонда қалб ўлади.

Роман қаҳрамони – ўт ўчириш гуруҳи аъзоси Гай Монтег. Умуман, бутун бошли ўт ўчириш гуруҳининг вазифаси бугунги кундаги каби ўт ўчириш билан эмас, балки қаерда китоб кўрса, эшитса, китобни ҳам, китоб турган уйни ҳам ёқиб ташлаш билан шуғулланади. Китоб бу давр учун энг хавфли нарса, уни ўқиш кечирилмас жиҳоддир. Тараққиёт шу даражага етганки, фуқароларга энди кимлигини, ота-боболарини, асл вазифасини, шон-шавкат ва инсоний муносабатларга тўла даврларни эслатиб туриш жамият учун хатарли. Чунки Америка эришган тараққиётга бу хил муносабатлар керак эмас, халал беради, чунки янги Американи темиртанлар бошқармоқда.

Китоб ўқимаслик, китобни душман деб билиш, китобдан қўрқиш роман ёзилган пайтда, эҳтимол, фантастис бўлиб туюлгандир, аммо бугун эмас. Бугун тараққиёт этган мамлакатларда вазият бошқача, бугун Рей Бред-

бери башорати ҳақиқатга айланиш арафасида.

## «1984»

Роман XX асрнинг нодир антиутопияси сифатида йирик адабиёт ва маданий ҳодиса саналади. Романдаги воқеа энди дунё цивилизациясининг маркази бўлган Лондонда, 1984 йилда юз беради. Айнан шунинг учун ҳам асарга шу йил рамзий тарзда ном қилиб танланган. Аслида, бу сана шунчаки мажозий аҳамият касб этади, бу йилнинг ўрнига келажакни билдирадиган хоҳлаган йилни қўйиб олиш мумкин. Оруэлл роман устида ишлаётганда дунё Иккинчи жаҳон урушидан чиқиб қана турли лагерларга бўлиниб, келажакдаги урушга тайёргарликни бошлаб юборганди. Иккинчи жаҳон урушидан керакли сабоқ чиқармай, яна зимдан янги қирғинга тайёрланаётган давлатлар сиёсатининг келажаги, яъни адиб рамзий тарзда белгилаган 1984 йилда юз бериши мумкин бўлган умумжаҳоний вазият ва бу пайтга келиб инсоннинг жамиятдаги ўрни, ролини тахлил қилиш асарнинг бош мақсади эди.

...Бу асар том маънода хаёл мева-си эмас. Асарда Кафка усулига хос абсурд, хаос билан юзма-юз турган ва унинг қурбонига айланган одам образи биринчи ўринга чиқади. Оруэллнинг бу романи тоталитар тузумнинг абсурд, бемаъни, инсонга цивилизацияга ёт сиёсатини тубдан фош қилиб ташлади.

## «БАМБУК САДОСИ» ХИКОЯСИДАН

...Шарқ эстетикасига кўра, инсон ҳам бу дунёда очилган гулдир. Чунки унинг ҳам ғунчалаш, очилиш ва сўлиш фасллари бор. Унинг ҳам гул каби ғўзал кўнгли бор. Санъаткорнинг вазифаси инсоннинг гул эканини кўрсатишдир. Инсон фақат ғўзаллик орқалигина покланиши мумкин. Ғўзалликка мафтун бўлиш покланишнинг бошланишидир. Ғўзал бўлиш эса покланишдир...

...Шарқ адабиётида ҳиссиёт санъатнинг биринчи асосий омили ҳисобланади...

...Кавабата асарларининг қаҳрамонлари бекорга ҳаётдан ҳамиша ғўзаллик изламайди. Ғўзаллик орқали улар эзгулик ахтарди. Гуллар, кўзгу, қуш, лочин, ёмғир, қизил шабнам, туман, келинчак қўлидан тўкилаётган гулбарг ва ҳоказолар, аслида, инсон ғўзаллиги ҳақида. Кавабата ўқувчини қойил қолдирмайди, аксинча, мафтун этади...

«Мен бир умр ғўзалликка интилиб яшадим ва сўнги нафасимгача ғўзалликка интилиб ўтаман. Чунки мен ғўзалликнинг бир қисмиман».

## «ДОН КИХОТ»

«Дон Кихот» романи Навоий «Ҳамса»си, «Гулливернинг саёҳатлари», «Гамлет», «Уруш ва тинчлик», «Ака-ука Карамазовлар» каби асарлар билан бир қаторда турадиган, фақат бир қаторда эмас, балки ўзидан кейинги барча романларга, образларга улкан таъсир кўрсатган, вақт ҳамда замонлар ўтгани сайин қиймати ва аҳамияти янада ошиб, инсон ҳамда тириклик ҳақидаги ҳикматлари янада теранлашиб бора-верадиган асарлар сирасига кириди. «Дон Кихот»дан дунё адабиётида саргузаштлар, мистик қаҳрамонлик, дидактик руҳда ёзилган асарларнинг даври тугаб, гуманистик ғояларнинг адабиётдаги абадий тантанасини белгилаб бера олган асарлар даври бошланади.

Асар ўзидан икки юз йил кейин яратилган XIX аср романларига қўйиладиган гуманистик талабларга дош бера олади.

Ўқувчилар ўша даврда биринчи марта романда ўзлари каби ўйлайдиган, ўзлари каби гапирадиган ва қийналадиган қаҳрамонларни кўришди. Рицарлик романларидаги етиб ва эришиб бўлмас қаҳрамонлар бу асардан бошлаб тўла маънода халқчил тус олади. Бу ҳолат бадииятда ҳаётчан образлар даври бошланганини билдирарди.

«Дон Кихот» романи Европада жуда тез машҳур бўлиб кетди. Бу асарнинг дунёга келиши шу даражада қудратли бўлдики, у пародия қилган рицарлик романлари асар чоп этилгандан сўнг Испанияда, кейин нашр этилган мамлакатларда ўз ўқувчиларини йўқотди ва бошқа нашр этилмади.

Ўша йилларда цензор амалдор бўлган шахснинг хотираларида бир воқеа қайд этилган. Асардан жуда мутаассир бўлган ва илҳомланган Франция элчиси цензордан: «Сервантес деганлари ким, ўзи?» – деб сўрайди. Цензор унга: «Бир қашшоқ одам», – деб жавоб беради. Элчи бу хабардан бағоят ажабланади ва «Нима Испаниянинг Сервантесдай буюк одамларни бойитишга қурби етмайдими!?» – деб сўрайди.

## «ЧОЛ ВА ДЕНГИЗ» ҲАҚИДА

...Қария овга чиқадиган уммон маънавий, руҳий дунёнинг, қолаверса, инсоният яшаётган ва ўз ризки ҳамда ўрнини топишга уринаётган бепоён оламнинг тимсолидир...

...У улкан балиқни, улкан улушни кўзлаб овга чиққан. У парчаланган шахс бўлишни истамайди, у бутун шахс бўлиш ниятида. Шунинг учун ҳам бошқалар туюлмаган балиқни тутишга интилади. Асарнинг моҳияти ҳам шунда.

«Чол ва денгиз» асари кўплаб шарҳларга, талқинларга изн беради. Бироқ энг муҳими унинг бадиий кашфиёт ва маънавий ҳикмат асар эканлигидадир

Муаттар МЕЛИЕВА тайёрлади.

# Salomatlik



# ЮРАККА

## ЯНГИ МАЗМУН

**Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталида очиқ йўл билан юрак соҳасида юқори технологик жарроҳлик амалиёти ўтказилди.**

Ҳарбий беморда юрак қон томирлари тикилиши натижасида очиқ йўл билан кам инвазив, яъни кичик кесма орқали юрак қон томирларини шунтлаш амалиёти бажарилди. Шу орқали беморнинг нафақат юрагига, балки ҳаётига янги мазмун бағишланди. Эндиликда у тез орада сафга қайтиши мумкин.

Академик Восит Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази билан ҳамкорликда ўтказилган

жарроҳлик амалиётида профессор Рустам Ёрбеков, тиббий хизмат полковниги Улуғбек Расулов, кардиожарроҳ Мақсуд Муродов, тиббий хизмат капитани Ислон Ҳрозбоев, хирург Улуғбек Тешаев, анестезиологлар – тиббий хизмат подполковниги Одил Жўрақулов, Фаридун Тўраев сингари саломатлик посбонларининг салмоқли меҳнати сингди.

– Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг юрак қон томир ва рентген-эндоваскуляр



Muallif suratiga olgan

жарроҳлик бўлимида бу турдаги мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказиш учун халқаро стандартларга жавоб берадиган барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Шу сабабли навбатдаги жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтди, – дейди тиббий хизмат капитани Ислон Ҳрозбоев. – Ишлаб турган юракда қарийб бир соат давом этган ушбу жарроҳлик амалиётини Германия, Италия, Россия, Туркия каби хорижий мамлакатларда малака оширган тажрибали

ҳамкасбларимиз билан биргаликда бажардик. Ҳозирги вақтда беморнинг аҳволи барқарор даражада. Юрак нуқсони билан боғлиқ дастлабки жарроҳлик амалиётини жорий йилнинг 13 августида ўтказган эдик. Касбий вазифамизни кўнгилдагидек удалаб, беморлар юрагига малҳам, ҳаётига қувонч улашаётганимиздан мамнунмиз.

**Лейтенант Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**  
«Vatanparvar»

# Dolzarb 40 kunlik

# КО'СНАТ ЕКИБ, БОГ' YARATAYLIK!

Ayni kunlarda mamlakatimizning barcha hududlarida mevali va manzarali daraxt ko'chatlarini ekish ishlari uyushqoqlik bilan davom etmoqda. Bu boradagi tadbirlarni tizimli ravishda tashkil etishda "Yashil makon" umummilliy loyihasi o'z samarasini bermogda. Yashil maydonlarni tashkil etish ishlarida Termiz davlat universiteti jamoasi ham faol ishtirok etmoqda.

Yashil olamni saqlash va ko'paytirish davlat siyosati darajasiga ko'tarilganini respublikamiz bo'ylab e'lon qilingan "Yashil makon" umummilliy loyihasi misolida ko'rish mumkin. Ushbu ezgu tashabbus keksa-yu yosh tomonidan qo'llab-quvvatlanmoqda. Ana shunday tadbirlardan biri Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish davlat qo'mitasi hududiy boshqarmasi hamda Termiz davlat universiteti hamkorligida tashkil etildi.

Universitet jamoasi "Yashil makon" umummilliy loyihasi doirasidagi "Dolzarb 40 kunlik" aksiyada faol ishtirok etib, yashil maydonlar yaratishga munosib hissa qo'shdi. Mazkur loyihada prorektorlar, fakultet dekanlari va muovnlari, tyutorlar, professor-o'qituvchilar, ishchi-xodimlar hamda talabalar ko'ngilli sifatida qatnashdi. Ko'chat navlarini tanlashda mahalliy iqlim sharoitiga mos kelishiga alohida e'tibor qaratildi. Oliy ta'lim muassasasi rektori Avazjon Marahimov rahbarligida ekilgan ko'chatlarning to'liq rivojlanishini ta'minlash maqsadida har bir nihol "Yaxshidan bog' qoladi" shiori ostida universitet xodimlariga birlashtirildi. "Yashil makon" loyihasi doirasida Termiz davlat universitetida yana 1 200 tup mevali va manzarali ko'chat ekish rejalashtirilgan.

**Jamshid NAZAROV,**  
Termiz davlat universiteti yoshlar bilan ishlash, ma'naviyat va ma'rifat bo'limi xodimi

# UMUMMILLIY

## LOYIHADAGI FAOLLIK

Shimoli-g'arbiy harbiy okrug qo'shinlari qo'mondonligi tashabbusi bilan mamlakatimiz ekologiyasining kelajagi uchun ulkan umidlar bilan hududlarga ko'chatlar ekilmoqda.



Harbiy qism va muassasalar, harbiy shaharchalar hududlarini ko'kalamzorlashtirish maqsadida Nukus va Urganch garnizonlaridagi harbiy shaharchalarning hududidagi bo'sh yerlarga jami 60 tup mevali va 1 440 tup manzarali daraxt qadaldi.

Ko'chatlarni ekish jarayonida aynan o'lkamizning shimoliy hududlari ob-havosi va tashqi muhitiga moslashuvchan, yillar davomida o'sib yashovchanlik qobiliyatini namoyon etgan, qumli va sho'r yerlarga hayot baxsh eta oladigan daraxtlarning ko'proq ekilishiga ahamiyat qaratilmoqda.

Ekologiya va atrof-muhitni yaxshilash, hududlarni obod va ko'rkam qiyofaga keltirish maqsadida o'tkazilayotgan «Yashil makon» umummilliy tadbiri harbiy okrug hududida davom etmoqda. Mavsum davomida Shimoli-g'arbiy harbiy okrug qo'shinlari qo'mondonligi tomonidan 27 ming tup daraxt ko'chati ekilishi rejalashtirilgan.



Shimoli-g'arbiy harbiy okrug matbuot xizmati

## # Turmush chorrhasi

Ота-онангни кўргани бориш қай даражада ҳузурли бўлса, улар билан хайрлашиб, ортга қайтиш... Айниқса, узоқда яшасанг, сени кузатаётгандаги «яна қачон келасан?» деган ялинчок нигоҳи дилингни эзиб туради. Баъзида жигарбандини узоқ тош шаҳарга олиб кетаётган машина ортидан дуо қилиб қолган нуроний меҳрибонларингдан кўз узолмай, қароғларингга ёш тўлади. Оила, иш, турмуш ташвишларидан ортиб, йўлингга кўз тутиб тургувчи дуоғўйларингни чиндан ҳам яна қачон кўргани келасан?!

Зилола отаси ўтгандан кейин анчайин чўкиб қолган онаси билан худди шундай хайрлашди. Бир ўзи эмас, акаси, синглиси билан шаҳарга қайтишди. Аммо ҳар доим тик туриб кузатадиган онаси уларни машинага ўтираётганида дарвозахона олдидаги ўриндиққа беҳол чўккан кўйи мунгли нигоҳлари ила кузатиб қолди...

\* \* \*

Ўзбекнинг тўйи бошқача-да, ҳамма қариндош-уруғлар жам бўлади. Узоқдагилар ҳам тўй учун фурсат топади. Пойтахтда истиқомат қилаётган Зилола ҳам акаси Маннобжон, синглиси Замира билан водий томон йўлга отланишди. Опаси қиз узатяпти. Шундай паллада жигарлари ёнида бўлиши лозим. Шу баҳона болаларининг йўлига бедор кўз тутгувчи оналарини кўриб қайтишади.

Тўйхона меҳмонларни кутиб олишга шай. Бир томонда тўй хурсандчилиги, бир томонда узоқдаги ўғил-қизлари бағрини тўлдирган Моҳларой момо дастурхон бошида дуоғўй бўлиб ўтирибди. Ёши улугларнинг тўйдаги энг катта қиладиган иши ҳам шу-да. Тўққизта ўғил-қизни ўқитиб, уйли-жойли қилиб, набираларнинг тўйига бош бўлиб турган онахонни эл-юрт ҳурмат қилади, дуосини олишга шошилади. Қани энди, эллик беш йил бирга умргузаронлик қилган чоли ёнида бўлса, дуоларга қўшалок бўлиб кўл очилса. Аммо айрилиққа чора йўқ...

– Опа, ҳеч нарса емаяпсиз? – Моҳларой момога холасининг қизи Хурсаной хола меҳрибончилик кўрсатиш билан андармон. – Мана, бу қовоқ сомсадан енг, юмшоққина экан!

– Ҳозиргина едим, ўзинг ҳам олиб ўтир! Ёшинг катта бўлгандан кейин озгина таомга тўйиб қоларкансан.

– Шунинг айтинг, сиз саксондан ошдингиз, мен етмишдан. Аммо қарини овқат сақлайди, дейишади. Ўзимизни парвариш қиламиз-да, опа!

– Мана, сизларга шўрваннинг бошидан олиб келдим, – бир-бирига меҳр кўрсатаётган катталар олдида кирди Зилола. – Иссиғида ичиб олинган, меҳмонлар кўпайиб кетса, гапдан бўшамай қоласиз.

– Зилолаҳон, олдимизда бирпас ўтир, сенга айтадиган зарур гапим бор, – кўлидаги патнис билан шошилиб турган Зилолани тўхтатди Хурсаной хола.

– Эрталабдан буён тинганларинг йўқ, ёнимда бир пиёла чай ич, – меҳр ила қизига термилди Моҳларой момо.

– Майли, шу баҳона холамнинг гапларини эшитаман. Фақат хотиноши вақти яқинлашяпти, меҳмонлар келишни бошлади. Гапингизнинг асосий қисмини айта қоласиз, – кулди Зилола.

– Яхши, қизим, гапим шуки, қизинг Зарнигорнинг бўйи етиб қолибди. Қизингни акамнинг ўғли

Садиржонга бер! Жияним Қўқондаги катта ўқишларни битирди, мактабда дарс берапти. Кейин катта қорига шогирд тушиб, Қуронни ёд олди, қори бўлди.

– Соҳибжоннинг ўғли қори бўлди-ми? – беихтиёр Моҳларой момонинг юзига табассум югурди. – Дадам Худо раҳматли, қори бўлган.

– Опажон, жияним ҳам қори, ҳам ўқитувчи! Зилолаҳон қизини берса шундай йигитга беради-да! Бир томони биласиз, акамнинг ҳовлиси Зилолаҳоннинг уйига яқин, битта маҳаллада. Қизини ўзимизга берса, шу баҳона қишлоққа тез-тез келиб туради. Зарнигор ҳам сиздан кунора хабар олади. Тўғрими, опа?

– Тўғри айтасан, қани энди, куёвим Рустамжон ҳам рози бўлса-ю, неварамни Соҳибжоннинг ўғлига берса, – қизининг юзига илинж билан қаради Моҳларой момо.

– Акам қариндошимиз-ку, уларнинг оиласи, фарзандларини яхши биламан, хола! Фақат, – узрли оҳангда ийманиб жавоб қайтарди Зилола – бу йил Зарнигор ўқишга кира олмади. Дадаси келган совчиларга қизимизни ўқитиб, кейин узатамиз, дейишяпти.

– Эр пошшо бўлса, хотин вазир, кўндириш сендан-да, Зилолаҳон! – гапира кетди Хурсаной хола. – Хўжайинингга тушунтир, узоқ шаҳарда қолиб кетмай, қишлоққа қайтарсизлар?! Ўғилларини катта ўқишларда ўқиган, деб эшитганман, уларнинг қишлоққа келиши қийин. Шунда қизингни ўзимизга берганингга шукур қиласан, ёнингга бўлади!

– Ҳозирги ёшларни биласиз-ку, хола, ўқиб бир касбнинг этагидан тутмагунча оила қуришга рози бўлмайди. Кейин...

– Кейин-пейинни қўй, Зилолаҳон, қиз боланинг ўқиши шартмас! Жуда ўқийман деса, шу ерда ҳам ўқийверади. Бир дона қизингни қишлоққа, яхши жойга бер, дейман-да!

– Хафа бўлманг, холажон, Зарнигор шаҳарда ўсган қиз, қишлоқ шароитига чидаши қийин. Жиянингизга ҳали зўр келин топилади. Вой, меҳмонлар келишни бошлабди-ку! – дераза ойнасидан қараб, ташқарига шошилди Зилола. – Яхши ўтиринглар, – шу тариқа Хурсаной холанинг совчилик тазйиқидан ўзини олиб қочди у.

– Вой тавба-а, маслаҳат қилиб кўрамиз ҳам демади-я! – ўпкаланди Хурсаной хола. – Опа, сиз нима дейсиз? – мақсадидан ортга чекинишни истамади у. – Неварангизни Садиржондек ўқимишли, дину диёнатли, қори йигитга берса ёмонми?

– Мен-ку, розиман! – ўйланиб жавоб қайтарди Моҳларой момо. – Сен айтгандек, неварам яқинимда бўлади, қизим тез-тез келиб турарди. Тақдир ишини қара, Зилолаҳон билан Замирахонни қишлоққа бергандик. Ризқи узоқларга қўшилиб, иккисиям бола-чақаси билан шаҳарда яшяпти. Маннобжон ҳам ўғил-қизлари шаҳарда ўқиб, қишлоққа қайтмагандан кейин келин билан болалари ортидан кетди. Мана, энди уларнинг йўлига зор бўлиб ўтираман. Атрофинг тўла ўғил-қизу барибир узоқдагиларга интиқ бўларкансан. Унта бўлса ўрни бошқа, деб шуни айтишса керак.

– Шунинг айтман-да, опажон! Зилолаҳонни йўлга олинг! Астойдил турсангиз йўқ демайди, эрини ҳам кўндиради. Рустамжон мансабдор бўлгани билан қишлоқ йигити. Етти авлоди шу ерлик, йўқ демайди.

– Тўй ўтсинчи, яна бир айтиб кўраман. Улар эртага менинг ёнимдан

йўлга тушади. Эрталабки чай устида маслаҳат қиламиз.

– Унда акам эрталаб олдингизга етиб боради. Ўзининг совчи бўлгани бошқа-да. Опа, келинг, бир дуо қилайлик, икки ёшнинг тақдирини бир-бирига қўшилсин, илоҳим!..

Зилола яна бир айланиб онасининг олдида кирганда:

– Опам қизингни Садиржонга беришга рози бўлди. Катталарнинг айтгани айтган, дегани деган, тўйга тайёргарлик кўравер! – деди Хурсаной хола.

Холага гап ўқитириш бефойда эканини тушунган Зилола, бунга жавобан жилмайиб қўя қолди.



\* \* \*

Тўйдан эртаси кун. Тонг сахар. Кечагина чарақлаб турган куёшдан асар ҳам йўқ, борлиқни қуюқ туман қоплаган. Тўйдан сўнг оналари олдида – ота ҳовлида қолган «шаҳарликлар» ортга қайтиши керак.

– Бунча сувоқ бўлмаса, – онасининг камзулини кийиб, ташқарида юз-қўлини ювиб қайтган Зилола дир-дир қалтирарди, – кеча ҳаво иссиқ эди-я.

– Роса туман тушибди, шунинг совуғи-да, – онасининг биқинида ўтирган Замира унинг гапига қўшилди. – Қишда қишлоқда яшаш осон эмас.

– Куз ҳавоси шунақа бўлади-да, қизларим. Бу ёғи қиш, совқотганини қара, печкага яқинроқ ўтир, болам, – Зилолага меҳрибончилик кўрсатди Моҳларой момо.

– Яхши, вақтида печка қурган экан Ҳасанжон, ўтинларни ҳам ғамлаб қўйибди, – суҳбатга қўшилди Маннобжон. – Аммо қишга кўмир бўлмаса, қийин. Укамга пул бериб кетаман, кўмир олади.

Унинг гапи тугар-тугамас, дарвозахона томондан эркак кишининг товуши келди ва Соҳиб акамнинг қораси кўринди. Унга кўзи тушиб, Зилоланинг юраги шувиллаб кетди. «Бўлса-бўлмаса совчиликка келган бу одам, – хаёлидан ўтказди у, – шу об-ҳавода келганига қараганда, Хурсаной холам суюнчили хабар айтган кўринади».

Фурсат ўтмай, Ҳасанжон меҳмонни уйга олиб кирди. Чехрасида мам-

нунлик зоҳир Соҳиб ака уй тўридан жой олди. Меҳмонларнинг йўл кетишини англаган ҳолда салом-алиқдан сўнг мақсадга ўтди:

– Хурсаной кеча бир хушxabар айтгани, шунга тонг сахардан етиб келдим-да, – Моҳларой момога миннатдор қиёфада ниятини етказди Соҳиб ака.

– Қандай хушxabар, ака? – унга хайрат билан қаради Маннобжон.

– Кеча опам Зилолаҳоннинг қизини ўғлим Садиржонга беришга рози бўлибди, – юзида табассум билан янгиликни етказди у. – Биласан, узоқ йил фарзанд кўрмаганман. Ҳозир ҳамма ўғил-қизларим уй-жойли. Шу кенжамга муносиб жойдан келин излаётгандик. Кеча Хурсанойдан бу хабарни эшитиб, хурсандлигимдан кўзимга уйқу келмади. Намоздан кейин об-ҳавога ҳам қарамай, велосипедда йўлга тушдим.

Маннобжон хайрат билан синглисига қаради. Зилола бунга жавобан елка қисиб, бошини «йўқ» маъносида қимирлатиб қўйди.

– Ака, холам сизни озгина шошилтирган кўринади. Онам бу масалани бир ўзлари ҳал қила олмайди. Нима дейсиз, она?

Ҳамманинг нигоҳи Моҳларой момога қаратилди.

– Тўғри, кеча Хурсаной билан шу ҳақда гаплашгандик. Болалар билан маслаҳат қиламан, дегандим. Зилолаҳон узоқдалигига яраша, қизини олдимга берса яхши эди. Соҳибжон бегона эмас, холамнинг ўғли, фарзандини яхши тарбиялабди. Куёвим Рустамжон ҳам йўқ демаса керак.

– Раҳмат, опа! – қўлини қўқсига қўйди Соҳиб ака.

– Она, Зарнигорнинг турмуш қуришига камида икки-уч йил бор. Кейин совчилар борасида Рустамжон билан гаплашганман, қизини қишлоққа бермайди. – Моҳларой момога ётиғи

билан тушунтирди Маннобжон. – Ўғиллари қаерда бўлса, қизини ҳам уларнинг яқинига беришини айтган.

– Битта неварамга ҳаддим сигар, деб ўйлабман-да... – тушкун қиёфада кўзлари бир нуқтага тикилганча жим қолди Моҳларой момо.

– Ака, сиз хафа бўлманг! – Соҳиб акага юзланди Маннобжон. – Ўғлингизга яхши жойлардан ато қилсин!..

Бир олам орзу-дунё билан кўтаринки кайфиятда келган эркак руҳан чўккан кўйи ортга қайтди. Велосипедда елкалари қисилиб, туман ичига сингиб кетган ёши улуг инсоннинг ортидан кузатиб қолган Зилоланинг дили хуфтон бўлди. Фарзандларининг бири қўйиб-бири нотўғри иш қилганини таъкидлаши, ўзига хос дашноми Моҳларой момонинг муштдеккина гавдасини янада чўқтирди. Зилола онасининг қўлига атаганларини тутқазиб, минг ўргилиб-айланмасин, онахоннинг маҳзун чехраси очилмади. Болаларини тош шаҳарга кузатаётганда тик туришга-да ҳоли йўқ момо дарвозахона олдидаги нам тортган ўриндиққа беҳол чўқди...

Йиллар ўтди, дилбандларини соғинганда арази туман янглиғ тарқаб кетадиган онаизор ўтган ишлар борасида қайта сўз очмади. Бироқ хокисор волидасининг ўша кунги мунгли нигоҳи Зилоланинг кўксига оғриқли армон бўлиб муҳрланди.

Зулфия ЮНУСОВА,  
«Vatanparvar»

## # Dzyudo

Xalqaro dzyudo federatsiyasi (IJF) taqvim rejasidan o'rin olgan "Katta dubulg'a" turkumiga kiruvchi yirik xalqaro turnirlardan biri Ozarbayjon poytaxti Boku shahrida bo'lib o'tdi. Unda qatnashgan yurtimiz vakillari 4 ta sovringa egalik qilishdi. Jumladan, Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakili Diyora Keldiyorova (-52 kg) g'oliblikka erishdi va Xalqaro dzyudo federatsiyasi reytingida o'z vazn toifasida yakka peshqadamga aylandi.

# ARMIYA SPORTCHISIDAN YANA BIR TARIXIY VOQEELIK



**M**ukofot jamg'armasi 154 000 yevro bo'lgan Boku "Katta dubulg'a" turnirida 61 ta davlatning 370 nafarga yaqin sportchisi sovrinli o'rinlar hamda "Parij – 2024" yozgi Olimpiya o'yinlarining reyting ochkolari uchun kurash olib borishdi. An'anaviy tarzda o'tkazib kelinayotgan ushbu nufuzli turnirga terma jamoamiz bu safar asosiy tarkibda bormadi. Murabbiylar yetakchi polvonlarimizga, jumladan jahon chempionligidan so'ng IJF reytingida yaqqol peshqadamlik qilayotgan MVSM vakili Davlat Bobonovga ham dam berishga, Boku "Katta dubulg'a"si tatamilarida yosh iste'dod sohiblariga imkon berishga qaror qilishdi. Ozarbayjondagi turnirdan qariyb o'n kun oldin o'tkazilgan Abu-Dabi "Katta dubulg'a"sidam ham asosan mamlakatimiz yoshlari, ya'ni erkaklar o'rtasidagi bellashuvlarda 4, ayollar bahsida 5 nafar vakilimiz qatnashgan va yakunda O'zbekiston terma jamoasi bittadan kumush hamda bronza medal bilan kifoyalangandi.

Boku "Katta dubulg'a"sidam ham mamlakatimizning 19 nafar dzyudochisi ishtirok etdi. +100 kg vazn toifasi bo'yicha tatamiga chiqqan hamyurtimiz Alisher Yusupov finalda jahon reytingining amaldagi peshqadami, tojikistonlik Temur Rahimovga qarshi bahs olib bordi va imkoniyatni boy berib qo'yib, kumush medal bilan taqdirlandi. Ushbu vazn toifasida kurashgan boshqa bir vakilimiz Shohrux Baxtiyrov esa bronza medal uchun bahsda finlyandiyalik Martti Pumalaynendan ustun keldi. Hamyurtimiz Sita Qadamboyeva (-52 kg) ham bronza medal uchun bahsda polshalik Aleksandra Kaleta ustidan g'alaba qozondi. Bu Qadamboyeva uchun o'z faoliyati davomida "Katta dubulg'a" turnirlaridagi ilk medal bo'ldi.

Shuni alohida ta'kidlash joiz, MVSM vakili Diyora Keldiyorova bundan oldin BAAda o'tkazilgan "Katta dubulg'a" turnirida finalgacha

muvaqqiyatli yetib borib, kumush medalni qo'lga kiritgan va IJF reytingida 5-o'ringdan bir pog'ona yuqoriga ko'tarilgandi. U Bokuda ham yuqori mahorat namoyish etib, ketma-ket ikkinchi marta "Katta dubulg'a" turnirining finalchisiga aylandi. Armiyamiz sportchisi hal qiluvchi bahsda mo'g'ulistonlik Sosorbaram Lxagvasurenni mag'lubiyatga uchratdi va shohsupaga ko'tarilib, turnirning oltin medali bilan taqdirlandi. Ushbu zafar dzyudochimizga "Parij – 2024" Olimpiadasi yo'lidagi 500 reyting ochkosini ham taqdim qildi.

Sportchilarimiz Boku "Katta dubulg'a" turnirining 4 ta medalini qo'lga kiritishdi. Ushbu sovrinlarning ikkitasiga Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi vakillari erishdi. 61 davlat sportchilari ishtirok etgan nufuzli musobaqada O'zbekiston terma jamoasi bittadan oltin va kumush, 2 ta bronza medali bilan umumjamoa hisobida 5-o'rinni egalladi. "Katta dubulg'a" turnirida umumjamoa hisobida g'oliblik 4 ta oltin, 2 ta bronza medalga musharraf bo'lgan Ozarbayjon terma jamoasiga nasib etdi. Kuchli uchlikdan esa Niderlandiya va Serbiya terma jamoalari joy olishdi. Xalqaro turnir qatnashchilaridan 27 ta davlat vakillari o'z yurtiga kamida bitta bronza medal bilan qaytishdi.

## BOKU "KATTA DUBULG'A"SIDA QAHRAMONLIK KO'RSATGAN YURTIMIZ DZYUDOCHILARI:

-  **Oltin:** Diyora Keldiyorova (-52 kg, MVSM)
-  **Kumush:** Alisher Yusupov (+100 kg)
-  **Bronza:** Sita Qadamboyeva (-52 kg)
-  **Bronza:** Shohrux Baxtiyrov (+100 kg, MVSM).

Boku shahridagi muvaqqiyat Diyora Keldiyorovanning "Katta Dubulg'a" doirasidagi turnirlarda erishgan uchinchi g'olibligidir. U o'tgan yili aprel oyida Turkiyaning Antaliya shahrida o'tkazilgan musobaqada barcha raqiblarini

mag'lubiyatga uchratib, "Katta Dubulg'a" turnirlarida g'oliblikka erishgan o'zbekistonlik birinchi ayol dzyudochi sifatida yurtimiz sporti tarixidan joy olgandi. Xalqaro toifadagi sport ustasi bu g'oliblikni joriy yil ham aynan Antaliya "Katta Dubulg'a"sidam takrorladi. Shuningdek, Keldiyorova ko'p karra O'zbekiston chempioni, Yozgi universiada va Butunjahon umumarmiya o'yinlari sovrindori hamdir. 2021-yil Bishkekda o'tkazilgan Osiyo-Okeaniya birinchiligida kumush medalni qo'lga kiritgan. Osiyo chempionligiga 2018-yilda erishib, 2021-yili bronza medalga ega bo'lgan, 2022-yilda esa qit'a birinchiligida ikkinchi bor g'olib chiqqan.

Abu-Dabi va Boku "Katta Dubulg'a"sidam erishilgan ketma-ket ikki muvaqqiyat armiyamiz sportchisi Diyora Keldiyorovani yurtimiz dzyudosiga oid yana bir tarixiy voqelik sababchisiga aylantirdi. Gap shundaki, Boku "Katta Dubulg'a" turniridan so'ng Xalqaro dzyudo federatsiyasi sportchilarning yangilangan reytingini e'lon qildi. Bunga qadar -52 kg vazn toifasida IJF reytingida 4-o'rinni egallab turgan Diyora Keldiyorova peshqadamga aylandi. Voqelik ahamiyati shundaki, o'zbekistonlik dzyudochi ayollar o'rtasida hali hech kim shu paytgacha dunyo reytingida birinchi o'ringa ko'tarilmagandi.

MVSM vakili, jahon chempioni Davlat Bobonov esa IJF reytingida hamon o'z vazn toifasida peshqadamlikni saqlab turibdi. Diyora Keldiyorovanning muvaqqiyatlaridan so'ng jahon tasnif jadvalini boshqarib borayotgan hamyurtlarimiz soni 2 nafarga yetdi. Shuningdek, Boku "Katta Dubulg'a" turnirida sovrindor bo'lgan va yaxshi natijalar qayd etgan, jumladan, MVSM vakili Kemran Nurillayev (-60 kg) kabi uchinchi o'rin uchun bahsda raqibiga imkoniyatni boy berib qo'ygan boshqa sportchilarimiz ham reytingda sezilarli darajada o'sishga erishdi.

## YURTIMIZ DZYUDOCHILARINING IJF REYTINGIDAGI O'RNI

### ERKAKLAR:

- 60 kg:**
  1. Yung Vei Yang (*Xitoy Taipeyi*) – 6 645 ochko
  27. Dilshodbek Baratov (MVSM) – 1 580
- 66 kg:**
  1. Denis Viyeru (*Moldova*) – 6 910 ochko
  14. Sardor Nurullayev – 2 144
  26. Muhridin Tilovov (MVSM) – 1 316
  54. Rahimjon Subxonov – 760
- 73 kg:**
  1. Lasha Shavdatuashvili (*Gruziya*) – 6 377 ochko
  7. Murodjon Yo'ldoshev – 2 781
  14. Obidxon No'monov – 2 160
  20. Hikmatilloh To'rayev (MVSM) – 1 846
  26. Shahram Ahadov – 1 660
- 81 kg:**
  1. Mattias Kasse (*Belgiya*) – 7 625 ochko
  5. Sharofiddin Boltaboyev – 3 725
- 90 kg:**
  1. Davlat Bobonov (MVSM) – 6 134 ochko
  2. Beka Gviniashvili (*Gruziya*) – 4 945
  60. Shermuhammad Jandreyev – 736
- 100 kg:**
  1. Mixael Korrel (*Niderlandiya*) – 5 107 ochko
  10. Muzaffarbek To'raboyev (MVSM) – 3 315
  26. Otabek To'raboyev – 1 332
- +100 kg:**
  1. Temur Rahimov (*Tojikiston*) – 5 180 ochko
  7. Alisher Yusupov – 3 301
  20. Shohrux Baxtiyrov (MVSM) – 2 110
  38. Bekmurod Oltiboyev – 926

### AYOLLAR

- 52 kg:**
  1. Diyora Keldiyorova (MVSM) – 5 750 ochko
  2. Amandin Bushar (*Fransiya*) – 5 510
  30. Sita Qadamboyeva – 1 087
- 70 kg:**
  1. Sanne van Diyke (*Niderlandiya*) – 6 424 ochko
  15. Gulnoza Matniyazova (MVSM) – 2 826

Dzyudochilarimizni oldinda kutib turgan 2022-yilning yana bir mas'uliyatli musobaqasi Tokio "Katta Dubulg'a"sidir. Xalqaro dzyudo federatsiyasi taqvim rejasidan o'rin olgan ushbu nufuzli turnir dekabr oyining birinchi o'n kunligida o'tkazilishi rejalashtirilgan.

# Armiya sporti

MASHG'ULOTDAN CHEMPIONLIKKA

Shu yil 18-24-oktabr kunlari Turkiyaning Antalya shahrida bo'lib o'tgan universal jang bo'yicha jahon kubogida g'olib bo'lgan Mudofaa vazirligi harbiy sportchilari bilan suhbatlashdik.

Leytenant Murodulla ABLAQULOV:

G'OLIBLIKKA ILK QADAM

Erkin kurash bo'yicha murabbiy Latif Yusupov bilan ko'p yillik tayyorgarlikdan keyin qator xalqaro musobaqalarda yutuqlarga erishib, sport ustasi darajasini oldim. Shundan keyin universal jangda ham o'zimni sinab ko'rishni maqsad qildim. Tanlovda adashmaganimni vaqt ko'rsatdi. Bu sport turining talaygina sir-asrorlarini murabbiy Baxtiyor Nurov qo'l ostida o'rgandim. O'rganganlarimiz va qat'iy reja asosida olib borilgan mashg'ulotlar o'z natijasini berdi. O'tgan yili Ukrainada bo'lib o'tgan universal jang bo'yicha jahon kubogida 2-o'rinni qo'lga kiritdim. Bu yil esa professional sportchilar o'rtasida o'tkazilgan bahsda musobaqa kamari sohibi bo'ldim.

FARQLI JIHAT

Armiya universal jangi boshqa universal janglardan farqli o'laroq ikki raunddan iborat bo'ladi. Birinchi raund to'siqli shartlar asosida qo'yilgan topshiriqlarni (*yugurish, o'q otish, pichoq qadash, "Zig-zag" usulida harakatlanish, tunneldan o'tish va boshqalar*) o'z ichiga oladi. Ulardan bexato o'tib kelgan sportchi ikkinchi raunda raqib bilan ringga ko'tariladi. Bularning barchasi harbiylashgan sport turlarini o'z ichiga oladi. Shuningdek, harbiy xizmatchi o'ziga kerak bo'ladigan ruhiy tetiklik, jangovar shaylik, topshiriqni tez va aniq bajarish, jismoniy chiniquish kabi ko'nikmalarni aynan armiya universal jangidan oladi.

MURABBIYLIK

Sportchilik faoliyatimdan sekin-asta murabbiylikka qadam tashlayapman. Qo'l ostimdagi shogirdlarimning turli fe'l-atvor egasi ekanini inobatga olgan holda munosabatga kirishishga harakat qilaman. Murabbiylik

sportchilikdan ancha qiyin ekan. Ayrim holatlarda ijtimoiy tarmoqlar orqali maktab o'qituvchilarining o'quvchilar tomonidan bo'lar-bo'lmas tortishuvlari aks etgan videolarni ko'rib xafa bo'laman. To'g'ri, hamma ustozlarni ham yaxshi deya olmasligim mumkin. Ammo aksariyat o'qituvchilarning jonkuyarligini barchamiz bilamiz-ku. O'sha ustozlar sabab shu kunlarga yetib keldik. Biz ham yoshligimizda buni tushunmaganmiz. Biroq yoshimiz ulg'aygach, sekin-asta anglab boryapmizki, ustozlarni ulug'lash lozim ekan. Shuning uchun o'sha videolarni olib, ijtimoiy tarmoqlar orqali bemalol tarqatib yurgan yoshlarning ota-onalaridan xafaman. Xalqimizda juda purma'no gap bor: "Yaxshi otga bir qamchi, yomon otga ming qamchi". Yaxshi otga ham bir qamchi borligini unutmagan holda, ustozlarning hurmatiga putur yetkazmaslikni iltimos qilardim. O'zim ham murabbiy bo'libgina bu kasbning mashaqqatlarini anglab yetyapman.

E'TIBOR

Mashg'ulot jarayonlarida shinam, yorug', barcha sharoitlar bilan jhozlangan zalimning imkoniyatlari e'tiborimni tortadi. Daraxtning ko'karishi uchun uni yerga qadashning o'zi kifoya emas. Unga vaqtida suv, o'g'it, quyosh va kenglik kerak. Biz o'zimni daraxt deb bilsak, qolgan imkoniyatlarni yaratib berayotgan Mudofaa vazirligi, qo'mondonligimiz rahbariyatiga minnatdorligimni bildiramam. Ular bildirgan ishonch bizni doim olg'a yurishga undaydi. Yuqori natijalarni zabt etishimizga asos bo'ladi. Bu yilgi jahon kubogida ham 20 dan ortiq davlat vakillari orasidan birinchi o'rinni olganimiz ham bizga bo'lgan e'tibordan deb bilaman.



Kontrakt bo'yicha harbiy xizmatchi, oddiy askar Muhammad MUHAMATOV:

MAG'LUBIYATLAR IZTIROBI

Men 5 yoshimdan sportning erkin kurash turi bilan shug'ullanganman. Aksiga olib, musobaqalarda ketma-ket 15 marta mag'lubiyat alamini totdim. Uyimdagilarga nima deyishni bilmay, kech bo'lguncha pana-panada yig'lab o'tirardim. Nuqul shu holat davom etavergani bois ota-onam ham musobaqa natijasini so'ramay qo'yishgandi. Shundan bo'lsa kerak, haligacha mag'lubiyatni yomon ko'raman. Erkak kishi uchun mag'lubiyat or-nomus masalasi hisoblanadi. Sportda esa doim ham g'alaba qozonishning imkoni yo'q. Mening barcha mag'lubiyatlarim chempion bo'lishimga va olg'a intilishimga turtki bo'ldi.

UNIVERSAL JANG

Erkin kurashni tashlab, karatedan mashg'ulotlarga qatnay boshladim. Bu yo'nalishdagi yetti yillik faoliyatimda O'zbekiston chempioni bo'ldim. Sport ustasi darajasini olganimdan keyin universal jang sportiga qiziq boshladim. Universal jang bo'yicha uchinchi marotaba jahon kubogida ishtirok etdim va professional sportchilar orasida birinchi kamarimni qo'lga kiritdim.

Aslida universal jang yo'nalishida erkin kurash kabi raqibni bo'g'ish uslubi bilan mag'lub etishdek o'xshash holatlar bor. Ammo erkin kurash bilan ushbu sport turidagi liboslar farqlanishining evaziga ancha qiynalganman. Qolaversa, havaskorlar o'rtasida o'tkaziladigan universal jang nizomiga ko'ra, ko'pgina usullar taqiqlangan. Professional yo'nalishda esa deyarli taqiq yo'q. Turli uslublardan bemalol foydalangan holda, raqibni mag'lub etsangiz bo'ldi. Bunga musobaqa hakamlari imkoniyat beradi. Ustozim leytenant Murodulla Ablaqulov bilan puxta tayyorgarlik ko'rdik. Natijada, o'z vazn toifamda kamar sohibiga aylandim. Erishayotgan yutuqlarimizda bizga sharoitlarni yaratib berayotgan mutasaddilarning hissasi kattaligini e'tirof etgan holda, ularga minnatdorligimni bildiramam.

"Vatanparvar" muxbiri, Sherzod SHARIPOV suhbatlashdi.

# Bahs

AQL GIMNASTIKASI

Prezidentimizning "Shaxmatni yanada rivojlantirish va ommaviylashtirish hamda shaxmatchilarni tayyorlash tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq, har yili ikki marotaba vazirlik, idora va tashkilotlarda xodimlar o'rtasida "Shaxmat kunlari" o'tkaziladi.

Shaxmatni aholi orasida keng targ'ib qilish va uni ommaviy sport turiga aylantirish, o'sib kelayotgan yosh avlodning intellektual va madaniy rivojlanishiga hissa qo'shish hamda tibbiyot xodimlariga bayramona kayfiyat ulashish maqsadida "Tibbiyot xodimlari kuni" munosabati bilan Qurolli Kuchlar akademiyasida musobaqa o'tkazildi. Unda Toshkent garnizonida joylashgan harbiy-tibbiy muassasalar, harbiy qismlarning tibbiyot xodimlari ishtirok etdi.



Aql gimnastikasida bellashgan ishtirokchilar o'zlarining bu boradagi salohiyatlarini yana bir bor sinab ko'rdilar.

G'oliblar mutasaddilarning faxriy yorliq va sovg'alari bilan taqdirlandi.

Abdulloh O'KTAMQULOV

# Matbuot anjumani

OMMAVIY YUGURISH MUSOBAQASI

Sportni rivojlantirish vazirligida O'zbekiston Respublikasi Davlat bayrog'i qabul qilingan kun munosabati bilan "Yangi nafas" sport ommaviy yugurish musobaqasiga bag'ishlangan matbuot anjumani bo'lib o'tdi.

13 noyabr kuni yurtimizning 15 ta shahrida "Bir vatanda, bir vaqtda, bir masofaga, bir maqsadda birga yuguramiz!" shiori ostida "Yangi nafas" ommaviy yugurish musobaqasiga start beriladi. Ushbu musobaqa Sportni rivojlantirish vazirligi, Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, Mudofaa vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Milliy gvardiya, Toshkent shahar hokimligi, Yoshlar ishlari agentligi, O'zbekiston kasaba uyushmalari federatsiyasi, "O'zbekneftgaz" AJ, O'zbekiston triatlon federatsiyasi hamda yugurish havaskorlari klublari ko'magida Yengil atletika federatsiyasi tomonidan tashkil etilmoqda.



Sportni rivojlantirish vaziri Adham Ikromov hozirgi paytda butun respublika bo'ylab Davlat bayrog'i qabul qilingan kunga bag'ishlangan sport-vatanparvarlik tadbirlarini munosib darajada o'tkazishga puxta tayyorgarlik olib borilayotganini, davlat bayrog'i har bir sportchi uchun g'alaba va yutuqlarining timsoli, g'urur va shon-sharaf, milliy birdamlik ramzi hisoblanishini ta'kidlab o'tdi.

Ommaviy sport tadbirlariga inklyuziv qadriyatlarining joriy etilishi "Yangi nafas" yugurish musobaqalarining muhim qismi hisoblanadi. Musobaqaga nogironligi bo'lgan yuguruvchilar ham jalb qilinadi. Tashkilotchilar tomonidan "G'alabaga iroda uchun" maxsus nominatsiyasi ta'sis etildi.

Ma'lumot uchun, Toshkent shahrida bo'lib o'tadigan ommaviy yugurish musobaqasi uchta joyda tashkil etilib, ular "Yangi O'zbekiston", "Ashxobod" bog'lari hamda "Humo Arena" majmuasining maydonchalari hisoblanadi.

Kapitan Aziz NORQULOV, «Vatanparvar»

# Xorij armiyalarida

Дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан жой олган Корея Республикаси раҳбарияти ҳарбий қурилишнинг асосий йўналиши сифатида миллий мудофаа концепцияси доирасида мамлакат хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлган замонавий, техник жиҳатдан мукамал таъминланган, профессионал асосдаги Қуролли кучларни тузиш вазифасини белгилаган. Бу вазифани самарали ҳал қилишда мамлакат армиясининг асосий ва энг кўп сонли тури ҳисобланувчи Қуруқликдаги қўшинлар (2022 йилнинг 1 январига бўлган ҳолатга кўра, ҳозирда уларнинг умумий сони 464 000 кишини ташкил этади) алоҳида ўрин эгаллайди.

Қуруқликдаги қўшинлар (ҚҚ) таркибидан пиёдалар, танк ва ракета қўшинлари, артиллерия, махсус вазифаларни бажарувчи қўшинлар, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, армия авиацияси, муҳандислик қўшинлари, кимёвий ҳимоя ва алоқа бўлинмалари, моддий-техник таъминот қўшилма ва қисмлари, ҳарбий полиция бўлинмалари жой олган. Чет эл ҳарбий манбалари маълумотига кўра, ташкилий жиҳатдан ҚҚ бошқарув штаби, 10 та қўмондонлик (шу жумладан: ер устидаги операциялар, мамлакат ичкарасидаги районлар мудофааси, пойтахт

мудофааси, махсус вазифаларни бажарувчи қўшинлар, ракета, армия авиацияси, сафарбарлик, моддий-техник таъминот, кадрлар тайёрлаш ва шахсий таркиб билан ишлаш қўмондонликлари), 7 та армия корпуси ва механизациялашган корпус, 15 пиёдалар дивизияси ва 3 та механизациялашган дивизия, 18 та алоҳида бригада, шунингдек, бир қатор бошқа қисм ва бўлинмалардан ташкил топган.

Қўшинни шахсий таркиб билан бутлаш 1980 йилда қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги қонун асосида амалга оширилади. Миллий армия сафига 17 дан 50 ёшгача бўлган фуқаролар чақирилиши мумкин. Муддатли ҳарбий хизмат муддати 18 ойни ташкил этади. Оддий аскар ва сержантлар таркибини тайёрлаш ишлари махсус қисм ва бўлинмаларда, шунингдек, қўшинга қарашли ўқув марказлари ва мутахассислар мактабларида олиб борилади. Офицерлар таркиби асосан академия, билим юртли ва қўмондонлик-штаб коллежида тайёрланади, офицерларнинг бир қисми эса хорижда, асосан, АҚШда таълим олади.

Ҳозирги даврга келиб, Қуруқликдаги қўшинларга қарашли жанговар техника ва қуроллар

таркибида 2 200 та танк, 3 000 та зирҳланган жанговар машиналар, 12 200 дан ортиқ артиллерия тўплари ва миномётлар, турли типдаги 500 та вертолёт бор. Танк парки асосини К1 типдаги ва унинг модернизацияланган вариантлари

(К1А1, К1А2 ва ҳ.к.) ташкил этади. АҚШда ишлаб чиқарилган, ҳозирга вақтга келиб анча эскириб қолган М48 типдаги 597 та танк ҳам ҳамон жанговар техника таркибида қолмоқда. 2014 йилдан бошлаб, Корея Республикасида К2 «Блэк Пантер» типдаги асосий жанговар танкларни серияли равишда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, улар айнан М48 ларни алмаштириши режалаштирилган. Ҳозиргача ҚҚга 100 та янги типдаги танк етказиб берилган.

ҚҚ катта миқдордаги зирҳланган замонавий жанговар машиналар билан таъминланган бўлиб, улар орасида Россиядан олинган БМП-3 (20 та) ва БТР-80 (20 та), Кореянинг ўзида ишлаб чиқарилган янги К21 (500 та), К200 (1700 та), КМ-900 (200 та), шунингдек, М113 (АҚШ, 420 та) ҳамда Вв 206 (Швеция, 300 та) типдаги машиналар бор. Ҳозирда бу турдаги қўшинларга маҳаллий «Хёндзе Ротем» компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган К806 ва К808 типдаги гилдиракли янги БТРларни етказиб бериш бошланган.

ҚҚ тасарруфидаги жанговар воситалар таркибидан турли тип ва русумдаги ўзиюлар ва шатакка олинувчи артиллерия тўплари, миномётлар, бараварига ўт очувчи ракета комплекслари (180 та), танкка қарши ракета комплекслари (1900 дан ортиқ), зенит-ракета комплекслари (100 дан зиёд), катта миқдордаги зенит тўплари ва бошқа қуроллар жой олган. ҚҚга қарашли армия авиацияси АН-64Е «Апач», АН-1F/J «Кобра», СН-47D, УН-60Р, «Хьюз-500D» ва MD-500 типдаги зарбдор, кўп мақсадли ва транспорт вертолётларига эга. Ҳозирги вақтда вертолёт паркини янгиллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2013 йилдан бошлаб, ҚҚни маҳаллий мутахассислар томонидан яратилган КУН-1 «Сурифон» лойиҳасидаги кўп мақсадли вертолётлар билан таъминлаш йўлга қўйилган.

Корея Республикасининг ҳарбий йўналишдаги энг йирик савдо шериги АҚШ ҳисобланади. Ҳар йили айнан шу мамлакат билан Қуруқликдаги қўшинлар манфаатида турли типдаги ҳарбий техника ва қуролларни етказиб бериш ёки лицензия асосида ишлаб чиқариш бўйича кўплаб шартномалар тузилмоқда. Мисол учун, «Боинг» компанияси ва Корея Республикаси Мудофаа вазирлигининг мудофаа харидлари дастури агентлиги ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, 2016–2019 йиллар мобайнида ҚҚга 36 та АН-64Е «Апач» типдаги зарбдор вертолётлар етказиб берилди.

Ҳозирда умуман Қуролли Кучларда, шу жумладан, ҚҚда қайтадан ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда. Режаларга кўра, бу турдаги қўшинлар сонини ҳозирги 464 000 дан 390 000 гача қисқартириш кўзда тутилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Корея Республикаси ҳозирги даврга келиб замонавий, техник жиҳатдан ҳар томонлама яхши таъминланган Қуруқликдаги қўшинларга эга ва улар келажакда ҳам мамлакат армиясининг асоси бўлиб қолади. Бу турдаги қўшинларни замон талаблари асосида янада такомиллаштириб бориш уларнинг тузилмасида янги қўшилма ва қисмларни шакллантириш, уларни асосан мамлакатнинг ўзида ва АҚШда ишлаб чиқарилган ҳарбий техника ва қуролларнинг истиқболли намуналари билан таъминлаш ҳисобига амалга оширилмоқда.

Қўшин тури –  
Қуруқликдаги қўшинлар

Умумий сони – 464 000 киши


-  Жанговар танклар – 2 200 дан ортиқ
-  Зирҳли жанговар машиналар – 3 180 дан ортиқ
-  Артиллерия тўплари – 7 000 га яқин
-  Миномётлар – 5 800 дан зиёд
-  Танкка қарши ракета комплекслари – 1 900 дан ортиқ
-  Вертолётлар – 500 та

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.



# Yong'in xavfsizligi

Кундалик ҳаётимизни маиший техникаларсиз тасаввур қилолмаймиз. Унутмангки, ушбу маиший техникаларнинг истеъмол қилаётган ток кучи хонадондан ўтган электр симларининг кесим юзасига мос келиши ҳамда қисқа туташув ва ортиқча юкланишдан ҳимояловчи автоматик ўчиргичларда кўрсатилган максимал ток кучидан ошмаслиги керак. Акс ҳолда, электр симларида ортиқча юкланиш вужудга келиб, симларнинг қизиши ва изоляциянинг эриши ёнғинга сабаб бўлмоқда.



# МАИШИЙ ТЕХНИКАЛАРДАН



# ҲОЙДАЛАНИШДА...

Хонадонга қисқа туташув ва ортиқча юкланишдан ҳимояловчи сертификатланган автоматик ўчиргичлар белгиланган талаблар асосида ўрнатилган бўлса, улар ўз функциясини тўғри бажаради. Аксинча бўлса, яъни ҳимояловчи автоматик ўчиргичлар носоз, катта кесим юзаси электр симига мўлжалланган бўлса, ортиқча юкланишни сезмайди ва ҳимоя қилмайди. Мухофазаловчи автоматлар фойдаланилаётган маиший техникаларни эмас, балки хонадондан ўтган электр симларида қисқа туташув ва ортиқча юкланишдан ҳимоялайди.

Ортиқча юкланиш содир бўлганда электр симлари аввалига қизийди сўнг унинг ҳимоя қобиғи эрийди.

Натижада, қисқа туташув содир бўлади. У ўзидан кучли иссиқлик энергиясини ажратади. Агар электр симлари ёғоч конструкциялар ҳамда турли хил пластик қопламалар орасида ёки устидан ўтган бўлса, ёнғин келиб чиқиши мумкин.

Шунингдек, носоз ёки электр манбаига уланиш жойи мустақкам бўлмаган электр қурилмаларини ток манбаига улаш ҳам ёнғинга олиб келиши мумкин.

Электр ток уриши инсон ва жониворлар ҳаёти учун хавфлидир.

Носоз ва қўлбола электр қурилмаларидан фойдаланиш ва уларни назоратсиз қолдириш, вақтинчалик тортилган электр симларидан фойдаланиш, зарур малакага эга бўлмай

уларни таъмирлаш, ҳимоя аппаратлари (сақлагичлар) ўрнида ҳар хил ясама ёки вақтинчалик симларни (жучок) қўллаш оқибатида кўплаб ёнғинлар келиб чиқмоқда.

Электр қурилмаларида авария, яъни қисқа туташув, ортиқча юкланиш ҳолатларига йўл қўймастик учун:

- электр қурилмаларини меъёрий ҳужжатларга асосан, мавжуд хоналарга ҳудудларга мос қилиб тўғри танлаш ва ўрнатиш;

- электр қурилмаларини уларнинг паспортидаги ёки устки қисмида ёзилган завод кўрсаткичларига мос ишлатиш;

- бир тармоққа мўлжаллангандан кўп катта қувватли истеъмолчиларни уламаслик;

- носоз ва қўлбола электр қурилмаларидан, электр иситкичлардан, вақтинчалик электр симларидан фойдаланмаслик;

- билар-билмас электр қурилмаларини таъмирлаб, ишлатмаслик;

- электр қурилмаларини назоратсиз қолдирмаслик.

Хулоса қилиб айтганда, ёнғин чиқишининг олдини олиш ва шу офатни келтирувчи сабабларга қарши курашиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, электр асбобларидан тўғри ва хушёрлик билан фойдаланиш зарур.

**Кичик сержант Нодир СУВОНОВ,**  
**Тошкент гарнизони ёнғин назорати инспекцияси йўриқчиси**

# Ogohlik

## ДОЛЗАРЪ

## МАВЗУ

Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмларнинг вирида ҳарбий қисм шахсий таркиби иштирокида «Йўл ҳаракати қоидалари тезлик ва эътиборсизликни қоралайди» ва «Ҳайдовчи маданияти» мавзуларида тадбир ўтказилди.



Мазкур тадбирда Тошкент ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги «Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳияти хусусида маълумот берди. Шунингдек, йўл ҳара-



кати қоидаларига қатъий риоя қилиш лозимлиги етказилди.

Тадбир сўнгида иштирокчиларнинг саволларига қонун талаблари асосида тушунтиришлар берилди.

**Адлия подполковниги Алишер ҚУРБОНОВ,**  
**Тошкент ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси**

# Ochiq muloqot

## МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁН

Қурулли Кучлар академияси профессор-ўқитувчилари ҳамда тегишли мутахассислик бўйича таҳсил олаётган 4-босқич курсантлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш жараёнида иштирок этишди.

Ташриф чоғида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари билан суҳбат ташкиллаштирилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни фракцияларда депутатлар томонидан кўриб чиқиш, ўрганиш, тегишли таклифлар бериш жараёни ҳақида ҳамда қонун ижодкорлиги, парламент назорати ва давлат идоралари билан ҳамкорлик алоқалари тўғрисида батафсил маълумот берилди. Қонунчилик палатаси йиғилишида тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида»ги қонундан кўзланган мақсад тегишли ваколатли органларнинг давлат чегарасини қўриқлаш ҳамда ҳимоя қилишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари моҳияти очиб берилди.

Шу кун ҳарбий хизматчилар учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси музейи ва кутубхонасига экскурсия ҳам ташкиллаштирилди.

**Подполковник Ботир СОБИРОВ,**  
**Қурулли Кучлар академияси катта ўқитувчиси**

# Mudofaaga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotlarida



# HUDUDIY BOSQICH MUSOBAQALARI YAKUNLANDI

Respublika bo'ylab start olgan "Shunqorlar" harbiy-sport o'yinlarining hududiy bosqich musobaqalari yakuniga yetdi. O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotining Qoraqalpog'iston Respublikasi, Toshkent shahri va viloyatlardagi kengashlari tomonidan tashkil etilgan ushbu harbiy-sport o'yinlarini o'tkazishda Mudofaa vazirligi, Milliy gvardiya, Yoshlar ishlari agentligining joylardagi boshqarmalari, harbiy okruglar va bir qator tashkilotlar yaqindan hamkorlik qildi.

Musobaqalarda mahallalarda istiqomat qilayotgan "Yoshlar daftari" da ro'yxatda turuvchi yoshlar hamda "Temir daftar" va "Ayollar daftari" dan o'rin olgan oilalar farzandlari ishtirok etdi.

"Shunqorlar" harbiy-sport o'yinlarining har bir hududiy bosqichida 17 yoshdan 22

yoshgacha bo'lgan 110 nafar yosh uchta blokdan iborat sinovlardan o'tkazildi.

Harbiy-vatanparvarlik blokida jamoa a'zolarining O'zbekiston harbiy tarixiga doir bilimlari sinovdan o'tkazildi. Harbiy-amaliy ko'pkurash blokida jamoalar pnevmatik quroldan o'q otish, o'quv



granatasini uzoqlikka uloqtirish va harbiylashtirilgan estafeta bo'yicha bellashdilar. Sport blokida jamoalar duatlon, 100 metrga yugurish, turnikda tortilish bo'yicha o'zaro musobaqalashdilar.

Ushbu sinovlarda eng yuqori ko'rsatkich ko'rsatgan yoshlar "Eng mohir mergan", "Eng yaxshi sportchi" va "Eng yaxshi bilimdon" nominatsiyalari bo'yicha saralab olindi.

Yakunda g'oliblikni qo'lga kiritgan va faxrli o'rinlarni egallagan jamoa a'zolariga hamda alohida nominatsiyalar g'oliblariga "Vatanparvar" tashkilotining esdalik sovg'alari topshirildi.

Endilikda respublikamizning o'n to'rtta hududida g'olib bo'lgan jamoalar 14-15-noyabr kunlari Mudofaa vazirligining "Chirchiq" dala-o'quv maydonida "Vatanparvar" tashkiloti markaziy kengashi raisi kubogi uchun bellashadilar.

"Shunqorlar" harbiy-sport o'yinlarini o'tkazishdan asosiy maqsad yoshlarni harbiy-vatanparvarlik va Vatanga sadoqat ruhida tarbiyalash, o'smirlarni Qurolli Kuchlar saflarida xizmat qilishga tayyorlab borish hisoblanadi.

**O'zbekiston Respublikasi  
mudofaasiga ko'maklashuvchi  
"Vatanparvar" tashkiloti matbuot  
xizmati**

## TO'GARAK VA O'QUV KURSLARIMIZ SIZGA MUNTAZIR!

O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti Xorazm viloyati kengashi tasarrufidagi Urganch shahri avtomobil sport-texnika maktabi haydovchilik kasbini egallamoqchi bo'lgan barcha xohlovchilarni "A", "B", "C", "BC", "BE", "CE", "D" toifali haydovchilik hamda malaka oshirish kurslariga o'qishga taklif qiladi.



Bundan tashqari, avtomobilni boshqarishni o'rgatuvchi ustalar, suyuq gazda yuruvchi avtomobillar haydovchilari, radiotelefonchilar, elektrokara yuk ko'targich maxsus texnikalarni boshqaruvchi haydovchilar, elektrogaz payvandchilar, kompyuter savodxonligi, rus va ingliz tili kabi o'quv kurslariga taklif etadi.

"Havo miltig'idan o'q otish", "Motosport" hamda "Parashyut" kabi seksiyalarga ham qatnashishingiz mumkin. Agar siz o'qimoqchi yoki sportning texnik va amaliy turlari bilan shug'ullanmoqchi bo'lsangiz, bunda sizga yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash borasida faoliyat olib borayotgan "Vatanparvar" tashkiloti ko'makdosh bo'lishini unutmang! Chunki bu yerda mashg'ulotlar qiziqarli va yuqori saviyada tashkil etilgan. Ko'p yillik, boy tajribaga ega mutaxassislar sizlarga bilganlarini o'rgatishga shay.



**Urganch shahri Yoshlik  
ko'chasi, 27-uy.  
"Vatanparvar" tashkiloti  
o'quv binosi.  
93 922-51-47;  
90 430-11-99.**

Xizmatlar litsenziyalangan

## ULKAN marralar sari

O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti Andijon viloyati kengashi tasarrufidagi Andijon avtomobil maktabida har yili yuzlab turli toifadagi haydovchi va ommaviy texnik kasb xodimlari tayyorlanadi.

Barcha yo'nalishlarda yuqori natijalarga erishgan avtomobil maktabi jamoasi 9 yil davomida "Vatanparvar" tashkiloti o'quv muassasalari o'rtasida birinchilikni saqlab turdi. Jamoa aholi, ayniqsa, yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ular orasida sportning texnik va amaliy turlarini ommalashtirish va ommaviy texnik kasb mutaxassislarini tayyorlash bo'yicha keng ko'lami ishlarni amalga oshirib kelmoqda.

Joriy yilda Andijon shahridagi umumta'lim maktabi o'quvchilari o'rtasida pnevmatik quroldan o'q otish va yozgi biatlon sport turlari bo'yicha shahar birinchiligi musobaqalari tashkil etildi. 10 yoshdan 16 yoshgacha bo'lgan o'g'il-qizlar o'rtasida o'tkazilgan ushbu musobaqalar shaharda shu qadar ovoza bo'ldiki, "Vatanparvar" tashkiloti safiga kirish istagini bildirgan va undagi sport seksiyalariga a'zo bo'lmoqchi bo'lgan yoshlar soni keskin ko'paydi. Natijada, ushbu yoshlar Andijon avtomobil maktabidagi "Pnevmatik quroldan o'q otish", "Yozgi biatlon", "Kemamodel", "Radiosport" va "Motosport" seksiyalariga a'zo bo'ldilar.

Avtomobil maktabida "B" va "BC" toifalariga o'qitish, "C", "D" va "E" toifalariga qayta tayyorlash hamda yo'l harakati qoidalari bo'yicha malaka oshirish kurslarining faoliyati yo'lga qo'yilgan. Barcha o'quv xonalari zamonaviy innovatsion sinf doskalari va



kompyuter texnikalari bilan to'liq jihozlangan. Fuqarolarga malakali o'qituvchilar D. Yusupov, R. Mamataliyev, U. Sattarov, N. Turdiyev hamda avtomobil boshqarishni o'rgatuvchi yo'riqchilar A. Kenjayev, M. Jo'rayev, B. Usmonov saboq berib kelmoqda.

Joriy yil boshidan hozirga qadar 2 000 nafardan ziyod fuqaro haydovchilik o'quv guruhlariga qabul qilindi. Avtomobil maktabi o'zining bir necha zamonaviy rusumdagi o'quv avtomobillari va avtobuslari hamda avtodromiga ega.

"Vatanparvar" tashkiloti Andijon avtomobil maktabi jamoasi o'z oldiga yuksak rejalarini qo'ygan bo'lib, ushbu maqsadlarni amalga oshirish uchun bor bilim va kuchlarini sarflamoqdalar.

**Salohiddin QORABOYEV,  
Andijon avtomobil maktabi boshlig'i**

**Bolalardan xafa bo'lmang,  
ular sizning aksingiz!**



# FARZAND TARBIYASI

(Psixolog maslahati)

Farzandingiz bilan mehmonga borganingizda u biron ayb ish qilib qo'ysa, unga jahl qilasiz. Aslida, siz o'zingizdan uyalasiz. Farzandingizga yaxshi tarbiya bera olmaganingizdan uyalasiz. Bola esa nimagadir aybdor?!

Bolalar tarbiyasida eng muhimi bu ularga ibrat bo'la olishdir. Qizingiz xushfe'l bo'lishini istasangiz, u bilan, atrofdagilar bilan shunday munosabatda bo'ling. O'g'lingiz mehribon bo'lishini xohlasangiz, unga o'yinchoq emas, mehr va e'tibor ko'rsating.

Farzandingizga ovqatlanish odobini o'rgatmoqchimisiz? Unga "To'g'ri ovqatlan!", "Chapillatma!", "Xo'rillatmay ich!", deb ko'p takrorlayverishdan foyda yo'q. Siz o'zingizga e'tibor qiling. Siz qanday ovqatlanasiz?

Nuri diydangiz xursand bo'lib yurishini, o'ziga ishonchi baland bo'lishini xohlaysizmi?! Unga ishonch to'la ko'zlar bilan qarang. "Bu o'qishing bilan sendan kim ham chiqardi?" kabi gaplar bilan uning kelajakka bo'lgan ishonchini so'ndirmang.

Ota-onaning munosabati, ishonchi farzand hayotida asosiy o'rin tutadi.

Biz, ota-onalar farzandlarimizga ko'p narsalarni man qilamiz-u, lekin o'zimiz rioya qilmaymiz.

Gazli ichimliklar, shirinliklar bolaga zararlimi, demak, siz ham bundan tiyiling. O'zingizning irodangiz yetmaydigan narsani boladan talab qilmang!

Uyingizda iloji boricha ijobiy muhit hukm sursin. Turmush tarzingiz, yaxshi xulq, muomala madaniyati, ovqatlanish va bir-biringizga munosabatda farzandingizga o'rnak bo'ling!

Ularning yonida urishmaslikka, yomon so'zlarni ishlatmaslikka harakat qiling. Bir-biringizni hurmat qiling, mas'uliyatli bo'ling. Hayvonlarga mehr ko'rsating, mehribonlikni o'rgating. Ehson

qiling, nochorlarga yordam qo'lini cho'zing. Eng asosiysi, har bir yaxshilikni amalda ko'rsating!



Go'zallik uchun 15 daqiqaga

## Aloedan foydalanib, quruq yuz terisini parvarishlash

Biz har kuni o'z tanamizga g'amxo'rlik qilamiz – taomlanamiz, suv ichamiz. Hech o'ylab ko'rganmisiz, terimiz ham oziqlanishga muhtoj – vitaminlar, mineral moddalar bilan parvarishlash muhim. Yodingizda bo'lsin, yuz terisini tozalash muolajalarini faqat kechki payt qilish lozim.

**Kerakli mahsulotlar:** zaytun moyi, aloe sharbati, bir choy qoshiq asal va A vitamini.

Barcha mahsulotlarni aralastirib, tozalangan yuzga suramiz. Yuzimizni 15 daqiqadan so'ng iliq suvda yuvib olamiz. Bu niqobdan haftada ikki marta foydalanib tursak, yuz terimiz vitaminlarga to'yinib, yanada yorqinlashadi.



AYOLLAR BEKATI





# Салом қани?

– Ҳой бола, тўхта-чи, нега менга салом бермадинг? – деди Қўчқор ака.

– Ие, амаки, нега салом беришим керак экан? – ҳайрон бўлди Савдобек. – Бирон нарса қилиб берасизми ё бирон нарса олиб берасизми?

– Уйқусираяпсанми, ҳой бола, мен бир нима бераман, деб ўлиб турганим йўқ! Саломинг қани, деб сўраяпман? Саломингни пишириб еганмисан? Қани, тез бўл, салом бер!

– Салом бер?! Катта бўлсангиз ўзингизга, хўпми? Бошимни қотирманг!  
– Гапни кўпайтирма, шундоғам кўп гаплашиб қўйдик. Аввал салом кейин калом деган гапни эшитмаганмисан? Ё мактабда муаллимларинг «Ўзингдан каттани кўрсанг, салом бер!» деб ўргатишмаганми?

– У чўпчагингизни уйингизга бориб, ўғилларингизга айтинг, хўпми?  
– Ҳой бола, ўпкангни бос, бунча тиллашасан! Нечанчи синфда ўқийсан?  
– Ўпканми босаманми, йўқми, салом бермайман. Олтинчи синфда ўқийман.

– Сабабини айт-чи, одамни тоза хит қивординг-ку?  
– Амаки, ҳали кўп нарсани билмас экансиз. Салом дуч келган одамга берилавермайди.  
– Унда кимга берилади? Катта холангга бериларми? Бундай очикроқ айт-да, ичакка ўхшаб чўзавермай!

– Энди амаки, гапни дангалини айтадиган бўлсам, мен сизга салом бермайман, бундан кейин йўлда тагин тўхтатиб, бошимни қотирманг!  
– Хўп, гапни кўпайтирма, бирон кишига салом берасанми ўзи? Ёки сурувдан қолиб кетган такадай зипиллаб ўтаверасанми у ёқдан бу ёққа?

– Мен кимга салом беришимни айтишим шунчалик сизга керакми? Унда эшитинг: қорним очиб ошхонага кирсам ошпазга, пулим тугаб кассага борсам кассирга, уйга борсам дадам билан ойимга салом бераман. Ошпаз овқат, кассир пул беради. Дадам билан ойимнинг-ку топгани меники. Сиз нуқул салом, салом деб бошни қотирасиз? Анави Тешавой ака қўшнимизни айтмайсизми, ўзи дурадгор, тешасини кўтариб ҳар замонда бизни келиб туради. Ҳар келганда қўлига қарайман. Қани, бирор нима берармикан деб?! Қани, менинг ширин хаёлларимни

тушунса?! Гўзал холам бошқача-да, ўзиям аёллар гўзаллик саломида ишлайди. Ҳар сафар келганда менга шоколад, конфет олиб келади. Кетишида, албатта, пул узатади. «Олақол, тойчоғим, музқаймоқ олиб ейсан!» дейди. Бирам маза қиламан.

– Бўлди, бўлди, тушундим, кўп гапирма, ўзи кимнинг ўғлисан?

– У ёқда кўришиб турган магазиннинг орқа тарафда турадиган Бозорбой аканинг ўғлиман. Отим Савдобек.

– Савдобек, қизиқ бўлди-ю, шунақа исм ҳам бўларканми, ё ҳазиллашяпсанми?

– Дадам билан ойим мен туғилмасдан олдин ҳам магазинда ишлашган экан. Туғилганимда савдомиз юришиб кетсин, деб шу исмни қўйишган экан.

– Ҳм, Савдобек ука, шундай де?!  
– Шундай, сиз ҳам магазинда ишлайсизми?  
– Йўқ, бор-йўғи бир бекорчиман. Демак, сенга пул берса салом берасан, шундайми?

– Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди.  
– Мен бир салом эшитгим келди, мана танишиб олдик. Энди салом берасанми?

– Пул берасизми, амаки, текинга, ҳатто мушуклар уйдан ташқарига чиқмаяпти хозир.

– Ана шу савилдан йўқ эди-да.  
– Унда саломни катта аммангизнинг неварасидан эшитинг.

– Менинг қўйларим бор, ўнта улар. Агар улар кўзиласа, сенга битта кўзи бераман.

– Қачон? Ҳозирми?  
– Қўйларим кўзиласа, деяпман-ку!  
– Насияни ўғрига чиқарган?  
– Ҳой бола, тўхта, қарзга бўлсаям салом бериб кет!

– Дадам қарзга ҳеч нарса берма деган. Мен сизга салом бераманми?

– Хўп, майли, хайр.  
– Қизиқ одам экансиз-ку! Саломни ололмадингиз-ку, хайрни қандай оласиз?

Дўстбек СУЛАЙМОНОВ

## ENG QISQA FILM

“Dunyoning eng yaxshi 10 daqiqalik filmi” unvonini olgan qisqa metrajli filmni ko‘rish uchun kinoteatrga odamlar yig‘ildi. Film boshlandi hamki, katta ekranda uying oppoq shiftidan boshqa hech nima ko‘rinmasdi. To‘rtinchi daqiqada ham shu ahvol, beshinchida ham.

Sakkizinchi daqiqada ham shiftdan boshqa hech narsa yo‘q edi, odamlar betoqatlana boshladi, ba‘zilari kinoteatni tark etdi, ba‘zilari ketgan vaqtiga achindi. To‘qqizinchi daqiqada ekranda hastalik tufayli bir umr falajlikka mahkum bo‘lgan bola va uning yotog‘i ko‘rindi.

**Ektrandagi yozuv:** “Bu bolakay yana necha yillarni shu zaylda davom ettiradi, siz esa 8 daqiqa chidolmadingiz...”

**P.S.** Siz-chi, siz! Oyoq-qo‘lingiz salomatligi uchun shukrona aytdingizmi!?

## ACHCHIQ HAQIQATLAR

➤ Negadir doim ko‘nglimizni og‘ritgandan emas ko‘nglimizga qaraydigan insonlardan alamimizni olamiz...

➤ Bizni sevganlarga ozor beramiz-u, sevmagan insonlarga poyandoz bo‘lamiz...

➤ To‘g‘ri yo‘l ko‘rsatganni yomon ko‘ramiz-u, egri yo‘lga boshlaganni ortidan doim qolmaymiz...

➤ Yaxshi ko‘rgan yaqinlarimizga, kasal birodarlarimizga vaqtimiz yo‘g‘-u, yetti yot begonanikiga oshga borishga har doim vaqt topamiz...

➤ Oilasi nochorroq singlimizga har xil bahonalar bilan yordam bermaymiz-u, lekin xalqni ko‘ziga qozon-qozon osh qilib, ziyofat beramiz...

➤ Ota-onamizni haftada bir bora ko‘rib kelishga fursat yo‘q, ammo ulfatlar bilan o‘tirishga har doim ham tayyormiz...

➤ Ayolimizga bir necha kalima shirin so‘zimizni ayaymiz-u, lekin ko‘chadagi ayollarga go‘zal kalimalar orasidan go‘zallarini ayamaymiz.

➤ Ozigina pulimizni yo‘qotib qo‘ysak qancha asabimiz buzilib xafa bo‘lamiz-u, ammo hech qanday boylikka sotib olib bo‘lmaydigan vaqtimizni arzimagan narsalarga sarflayotganimizga achinmaymiz...

Internet materiallari asosida tayyorlandi.

@Vatanparvargazetasi\_bot

“Vatanparvar” birlashgan tahririyati bilan bog‘lanish uchun telegram bot



SHU SONNING  
ELEKTRON SHAKLI

VATANPARVAR

MUASSIS



O‘ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
MUDOFAA  
VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

Tahririyat kengashi:

polkovnik Hamdam Qarshiyev  
polkovnik Otabek Yuldashev  
polkovnik Alisher Boboxonov  
Maqsud Abilov

Tahririyatga kelgan qo‘lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi.

Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – “Vatanparvar” birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Bosh muharrir:

podpolkovnik Ahror Ochilov

ISSN 2010-5541

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50  
buxgalteriya: 71 260-35-20  
yuridik bo‘lim: 71 260-29-41  
faks: 71 260-32-29

Navbatchi: kapitan Aziz Norqulov

Sahifalovchi: Begali Eshonqulov  
Musahhih: Mastura Qurbonova

Buyurtma: G-1105

Hajmi: 6 bosma taboq

Bichimi: A3

Adadi: 29 559 nusxa

Bosishga topshirish vaqti: 14:00

Topshirildi: 14:30

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.  
Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Gazeta juma kuni chiqadi.

Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqq boshlagan.

Nashr ko‘rsatkichi: 114.

Bahosi: kelishilgan narxda.

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi.  
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:

100164, Toshkent, Universitet ko‘chasi, 1-uy.